Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 197 (8937). ● 17 октябрь, 1986 йил ● ЖУМА ● Баҳоси 3 тийин

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

14 октябрь куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлиси бўлди, мажлисда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев Рейкьявикда АҚШ президенти Р. Рейган билан учрашуви якунлари хусусида ахборот берди.

Сиёсий бюро Олий даражадаги Совет — Америка учрашуви халқаро ҳаётда, қуролланиш пойгасига қарши, ядро қуролини тақиқлаш ва тугатиш учун, уруш хавфини бутун Ер юзидан бартараф этиш учун курашда муҳим воқеа бўлди. Совет томонининг ана шу учрашувдаги позицияси ҳалол ва ошкора эди. Бу позиция тенглик ва бир хил хавфсизлик принципларига асосланган, иккала томоннинг, улар иттифоқчиларининг, барча давлатлар халқларининг манфаатларини ҳисобга олган бўлиб, ракета-ядро асри реалликлари тақозо этаётган янгича ёндашув, янгича фикрлашнинг конкрет ифодаси эди.

Аҳдномаларга эришишга сидқидилдан интилаётган Совет томони янги муросали таклифлар тақдим этди. Бу таклифларда Америка томонининг ташвишга тушаётганлиги тўла ҳисобга олинган, стратегик ҳужум қуролларини қисқартириш ва шундан кейин уларни батамом тугатиш ҳамда Европадаги ўртача олислик ракеталарини йўқ қилиб ташлашдек энг муҳим масалалар хусусида келишувга эришиш имконияти яратилган эди. Бу таклифларнинг амалга оширилиши халқаро муносабатлар ривожида тубдан бурилишга эришиш, ядро хавфини бартараф этиш ва жаҳон ҳамжамияти барча аъзоларининг тинч ҳамкорлигини ривожлантириш учун имконият очиб берган бўлур эди.

Афсуски, ана шу масалалар хусусида амалда эришилган келишувларни томонлар зиммасига мажбурият юклайдиган шартномаларга айлантириб бўлмади. Бунинг бирдан-бир сабаби — Америка маъмурияти ракетага қарши мудофаа режимини мустаҳкамлаш ва иккала томон учун ҳам бир хил бўлган тегишли мажбуриятлар қабул қилиш йўли билан бу аҳдномаларнинг амалга оширилиши учун шарт-шароитлар яратишни қайсарлик билан истамаганлигидир. Бундай иш тутиш Вашингтоннинг СМТ программаси фақат «Тинч» характерда деб қилган баёнотларига янада кўпроқ шубҳа билан қарашга мажбур этади. Оддий мантиқ шундаки, агар қилич бўлмаса, қалқон ҳам керак эмас. Аммо равшан кўриниб турибдики, бу программанинг мақсади бошқачадир.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўртоқ М. С. Горбачевнинг президент Р. Рейган билан учрашувдаги фаолиятини маъқуллаб, шуни таъкидладики, сифат жиҳатидан янги вазият вужудга келди, ядровий қуролсизланиш учун кураш яна ҳам юксакроқ маррага чиқди. Энди ана шу маррадан туриб ядро қуролини тубдан қисқартириш ва тугатиш йўлидаги куч-ғайратни янада ошириш керак. Шу муносабат билан Рейкьявикда Совет томони илгари сурган платформа асосида ядровий ва космик қуролларнинг бутун комплекс масалалари юзасидан алоқалар ва музокараларни, шу жумладан Женевадаги алоқалар ва музокараларни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Уруш ва тинчлик проблемаларини тубдан ҳал этиш йўлидаги тарихий имкониятни бой бериш ҳалокатли бўлур эди. Бу имкониятдан фойдаланиш учун ҳамма ишларни қилиш керак. Бу СССР ва АҚШ халқларининг туб манфаатларига, бутун инсоният манфаатларига мос келади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида Рейкьявикдаги учрашув якунлари муносабати билан ана шу принципиал йўлни амалга оширишга қаратилган конкрет ташқи сиёсий тадбирлар кўриб чиқилди ва маъқулланди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. ГОРБАЧЕВнинг совет телевидениеси орқали сўзлаган нутқи

Салом, азиз ўртоқлар!

Менинг Қўшма Штатлар президенти Р. Рейган билан Исландиядаги учрашувим ўтган куни, якшанбада тугаганини биласизлар. Учрашув якунлари юзасидан ўтказилган матбуот конференцияси телевидение орқали кўрсатилди. Нутқ тексти ва менинг журналистларга қайтарган жавобларим эълон қилинди.

Ватанга қайтиб келгач, иш қандай бўлганини ва Рейкьявикдаги учрашувни биз қандай баҳолашимизни айтиб беришни ўз бурчим деб ҳисоблайман.

Ҳозиргина КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида Исландия пойтахтидаги учрашув якунлари муҳокама қилинди. Партиямиз раҳбарлик органи мана шу йирик сиёсий воқеа хусусида қандай хулоса чиқарганлиги тўғрисидаги ахборот эртага эълон қилинади, бу воқеанинг оқибатлари халқаро муносабатларга узоқ вақт таъсир қилишига аминмиз.

Рейкьявик арафасида бўлажак учрашув ҳақида кўп гапирилди ва ёзилди. Шундай вақтларда одатда бўладиганидек, кўпдан-кўп тахминлар ва мулоҳазалар айтилди. Шундай бўлиши табиий. Бундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишга уринишлар ҳам бўлди.

Ҳозир, учрашув тугаган бир пайтда унинг натижалари жаҳон жамоатчилигининг диққат-марказида турибди. Хўш, нималар рўй берди? Бу учрашув қандай наф келтирди? Учрашувдан кейин дунёнинг аҳволи нима бўлади? — деган саволлар ҳаммани қизиқтирмоқда.

Рейкьявикдаги учрашувда жаҳон сиёсатининг бош масалалари — қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ядровий қуролсизланиш масалалари диққат-марказига қўйилишига интилдик. Аслида, шундай бўлиб ҳам чиқди.

Бизнинг бу ишдаги қатъиятимизга сабаб бўлган мулоҳазалар нималардан иборат? Бизнинг ички қийинчиликларимиз бунга сабаб бўляпти, деган гапни чет элдан тез-тез эшитиш мумкин. Ғарбнинг мўлжалларида Совет Иттифоқи пировард натижада қуролланиш пойгасига иқтисодий жиҳатдан бардош бера олмайди, тинка мадори қуриб, ғарбга таслим қилиб келади, деган тезис мавжуд. Уни яна бир сиқувга олиш, зўравонлик позициясини кучайтириш керак, деб ўйлайдилар. Дарвоқе, АҚШ президентининг учрашувимиздан кейинок сўзлаган нутқида ҳам шу ҳақда гапирилди.

Бундай режалар беҳудагина бўлиб қолмай, балки хатарли эканлиги ҳақида, чунки улар ҳалокатли сиёсий ечимларга олиб бориши мумкинлиги тўғрисида илгари ҳам неча марта гапирган эдим. Биз ўз муаммоларимизни бошқалардан кўра яхшироқ биламиз. Бизда муаммолар бор, биз уларни ошкора муҳокама қиляпмиз, ҳал этяпмиз. Бу хусусда бизнинг ўз режаларимиз, ўз ёндашувларимиз ҳамда партия билан халқнинг умумий ҳоҳиш-иродаси мавжуд. Умуман шуни айтишим керакки, ҳозир Совет Иттифоқи ўзининг жипслиги билан, халқининг сиёсий активлиги билан, жўшқинлиги билан кучлидир. Бу тенденциялар, бинобарин, жамиятимизнинг кучи ҳам ошиб бораверади, деб ўйлайман. Башарти зарур бўлиб қолса, Совет Иттифоқи ҳар қандай дағдағага муносиб жавоб бера олади. Совет кишилари шуни биладилар, буни бутун дунёда ҳам билиб қўйишлари керак. Аммо биз ким зўр ўйинини ўйнашни хоҳламаймиз. Бу — ракета-ядро асрида ҳаддан ташқари хатарли машғулотдир.

Халқаро муносабатларнинг чўзилиб кетган жазавали ҳолати замирида қўқисдан, ҳалокатли танглик чиқиши хавфи яшириниб ётганига бизнинг ишончимиз комил. Ядро урушини даф қилиш учун амалий қадамлар қўйиш талаб қилинмоқда. Халқаро муносабатларни тубдан соғломлаштириш учун совет — американинг куч-ғайратлари, бутун жаҳон ҳамжамиятининг куч-ғайратлари талаб қилинмоқда.

ТАСС фотоси.

Шу мақсадларни кўзлаб учрашув арафасида президент Рейганнинг учрашувга розилигини олишдан аввалоқ биз, Совет раҳбарлари катта тайёргарлик иши олиб бордик. Бу ишда Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси ва Секретариатидан ташқари, Ташқи ишлар ва Мудофаа министрликлари, бошқа идоралар, илм-фан намояндалари, ҳарбий экспертлар, саноат турли тармоқларининг мутахассислари қатнашдилар. Биз Рейкьявикдаги учрашув учун ишлаб чиққан позициялар дўстларимиз билан, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг раҳбарлари билан кенг миқёсда, бир неча бор ўтказилган муҳокаманинг натижаси бўлди. Биз учрашувга принципиал мазмун бахш этишга, олисни кўзловчи таклифлар тайёрлашга интилдик.

Энди учрашувнинг ўзи ҳақида — у ердаги воқеалар қандай ривожланганлиги тўғрисида тўхталаман. Рейкьявикдаги музокарадошларимиз ҳозирнинг ўзидаёқ сохталаштираётган ҳақиқатни қарор топтириш учунгина эмас, балки асосан бундан бўён нималар қилмоқчи эканимизни сизлар билан ўртоқлашиш учун бу ҳақда гапириб бериш лозим.

Президент Р. Рейган билан биринчи суҳбат шанба куни соат 10 дан 30 минут ўтганда бошланди. Шундай ҳолатларда одат бўлган салом-аликдан ва мухбирлар билан қисқача мулокотдан сўнг биз яккама-якка қолдик, фақат таржимонлар бор эди. Умумий вазият тўғрисида, мамлакатларимиз ўртасидаги мулоқот қандай давом этаётганлиги тўғрисида фикрлащдик, муҳокама қилишимиз лозим бўлган масалаларни белгиладик.

Сўнгра мен президентдан шу учрашувга келишимизга сабаб бўлган асосий масалалар хусусидаги конкрет таклифларимизни эшитишни сўрадим. Мен бу таклифлар ҳақида матбуот конференциясида анчагина батафсил гапириб бердим. Шундай бўлса-да, буларни қисқача эслатиб ўтаман.

Қўпгина йирик тадбирлар тўғрисидаги таклифлар музокара столига қўйилди, бу таклифлар қабул қилинганда, инсоният ҳаётида янги даврга—ядросиз даврга асос солинган бўлур эди. Жаҳон вазиятидаги туб бурилишнинг моҳияти мана шундан иборат эди, шундай бурилиш имконияти очиқ-равшан ва реал эди. СҚЧ-1, СҚЧ-2 Шартномаларида ва бошқа шартномаларда бўлганидек, энди ган ядро қуролларини чеклаш тўғрисида эмас, балки нисбатан қисқа муддатларда ядро қуролини тугатиш ҳақида борар эди.

Биринчи таклиф стратегик ҳужум қуролига тааллуқли эди. Мен бу қуролни дастлабки беш йил мобайнида 50 процент қисқартиришга тайёрлигимизни айтдим. Ердаги, сувдаги ва осмондаги стратегик қуролни икки ҳисса қисқартириш лозим эди. Биз бир битимга келишни осонлаштириш учун каттагина ён беришга рози бўлиб, Американинг бизнинг территориямизга етиб кела оладиган ўртача ракеталарини ва Американинг олдинги базаларида жойлаштирилган воситаларини стратегик тенгламага қўшиш тўғрисида илгари қўйган талабларимизни қайтариб олдик. Бизнинг оғир ракеталаримиз хусусида АҚШнинг хавотирлигини ҳам эътиборга олишга тайёр эдик. Биз стратегик қурол тўғрисидаги таклифни, шу йил 15 январда таклиф қилганимиздек, бу қуролни батамом тугатиш нуқтаи назаридан кўриб чиқдик.

Бизнинг иккинчи таклифимиз ўртача олислик ракеталари хусусида эди. Мен президентга Европада жойлаштирилган шу классдаги Совет ва Америка ракеталарини бутунлай тугатишни таклиф қилдим. Бу ўринда ҳам биз каттагина ён беришга рози бўлиб, олдинги позициямиздан фарқли ўлароқ, Буюк Британия билан Франциянинг ракета-ядро қуроли ҳисоба олинмаслиги лозимлигини айтдик. Биз Европадаги кескинликни юмшатиш йўлини тозалаш, Европа халқларини ядровий фалокат олдидаги қўрқувдан халос этиш ва сўнгра жамики ядро қуролини тугатиш сари олға бориш зарурлигига асосланиб иш тутдик. Бу ҳам бизнинг дадил қадамимиз бўлди деб ҳисоблайверинг.

Қандай эътирозлар бўлиши мумкинлигини олдиндан пайқаб, биз 1000 километрдан камроқ олисликка учадиган ракеталарни кўпайтирмасликка ва дарҳол бу ракеталарнинг бундан кейинги тақдири тўғрисида музокараларга киришишга розилигимизни билдирдик. Мамлакатимизнинг Осиё қисмидаги ўртача олислик ракеталаларига, яъни президент Рейганнинг «жаҳоншумул варианти»да доимо рўкач қилинаётган масалага келганда эса, —биз бу масала юзасидан ҳам дарҳол музокаралар бошлашни таклиф қилдик. Бу соҳада ҳам бизнинг таклифларимиз мазкур муаммони ҳам тубдан ҳал этиш имконини берадиган йирик, жиддий характерда бўлганини кўриб турибсизлар.

Биринчи суҳбатдаёқ мен президент олдига қўйган ва бизнинг таклифларимиз мажмуасига узвий равишда кирган **учинчи масала— ракетадан мудофаа хусусидаги мавжуд шартнома ва ядро синовларини тақиқлаш тўғрисидаги масала эди.** Бизнинг ёндашувимиз шундай: Модомики биз ядро қуролини кўп миқдорда қисқартириш ва уни бирмунча қисқа муддатда тугатиш бошланаётган мутлақо янги вазиятга қадам қўяётган эканмиз, ўзимизни ҳар қандай кутилмаган тасодифлардан хавф-хатарсиз қилишимиз зарур. Бу ўринда гап шу пайтгача мамлакатимиз мудофаасининг ўзагини ташкил қилиб келаётган қурол ҳақида бормоқда. Шу сабабли қуролсизланиш чоғида тенгликка путур етказиши мумкин бўлган ҳолатларни истисно қилиш, ҳарбий устунликни таъминлайдиган янги типдаги қурол яратилишининг ҳар қандай эҳтимолини соқит қилиш керак. Бундай позицияни биз мутлақо қонуний ва мантиқий деб ҳисоблаймиз.

Модомики шундай экан, биз ракетадан мудофаа юзасидан 1972 йилда тузилган муддатсиз Шартномага қатъий риоя этиш зарурлигини рўй-рост қилиб айтдик. Бундан ташқари, мазкур шартнома режимини мустаҳкамлаш учун биз президентга АҚШ билан Совет Иттифоқи камида ўн йил мобайнида шартномадан чиқиш ҳуқуқидан фойдаланмаслик тўғрисида ўзаро мажбурият олсинлар, шу вақт ичида эса стратегик қуролни тугатсинлар, деб таклиф қилдик.

Маъмуриятнинг ўзи шу проблема хусусида ўзи учун алоҳида қийинчиликлар вужудга келтирганини, шахсан президент ўзини космик қурол билан, «стратегик мудофаа ташаббуси» (СМТ) билан боғлаб қўйганини эътиборга олиб, биз бу соҳадаги ишлар тўхтатилишини талаб қилмадик. Бироқ ракетадан мудофаа хусусидаги Шартноманинг ҳамма қоидаларига тўла риоя этилади, яъни бу соҳадаги тадқиқот ва синовлар лабораториялар доирасидан четга чиқмайди, деган тушунчага амал қилиниши кераклигини айтдик. Бу — АҚШ учун ҳам, СССР учун ҳам бир хил чеклашдир.

Президент бизнинг фикримизни тинглаб, ўз мулоҳазаларини айтди, баъзи нарсаларни батафсилроқ тушунтириб беришни сўради. Суҳбат чоғида биз контрол тўғрисидаги масалани қатъий ва аниқ қилиб қўйиб, уни ядро қуроли тугатилгандан кейинги вазият билан боғладик, бу вазият эса алоҳида масъулиятни талаб қиладди. Башарти иккала мамлакат ядровий қуролсизланиш йўлига ўтса, Совет Иттифоқи контрол хусусидаги ўз позициясини кучайтиришини мен президентга айтдим. Бу контрол ҳамма соҳаларни ўз ичига оладиган, ишонса бўладиган реал контрол бўлиши керак. У битимга риоя этилиши пухталигига тўла ишонч вужудга келтириши, жойларда назорат ўтказиш ҳуқуқини ўз ичига олиши лозим.

Ўртоқлар, сизларга шуни айтишим керакки, президентнинг дастлабки фикри бутунлай салбий бўлмаган эди. Ҳатто у: «Сиз ҳозир баён этиб берган таклифлар бизга умид бағишлайди», деб айтган эди. Аммо суҳбатдошлар (бу масалалар юзасидан бўлган суҳбатга ўртоқ Шеварднадзе ҳам, жаноб Ж. Шульц ҳам қўшилган эдилар) бир оз саросимага тушиб қолганини пайқадик. Айни вақтда уларнинг узуқ-юлуқ мулоҳазаларида дарҳол шубҳалар ва эътирозлар пайдо бўлди. Йўл-йўлакай президент билан давлат секретари ихтилофлар борлиги ва рози эмасликлари ҳақида гапира бошладилар. Уларнинг бу сўзларида Женева музокараларидан кейин кўп ойлар мобайнида биз эшитиб келган эски таниш овозларни очиқ-равшан эшитдик: бизга стратегик ядро қуроллари хусусидаги турли-туман даража-паражаларни, Европадаги ракеталарга оид «оралиқ варианти»ни эслатишди, бизнинг гўё СМТга қўшилишимиз кераклигини, биз — Совет Иттифоқи ракетадан мудофаа хусусидаги мавжуд Шартномани қандайдир янги шартнома билан алмаштиришимиз лозимлигини, шу алфоздаги бошқа кўпгина гапларни айтишди.

Мен ажабланганимни айтдим. Нега энди? Биз Американинг Европадаги «нуль» вариантини қабул қилишни ва Осиёдаги ўртача ракеталар хусусида музокаралар бошлашни таклиф қилаётган бир пайтда, сиз, президент жаноблари, ўзингизнинг аввалги позициянгиздан қайтяпсиз. Бунинг сабабини тушуниб бўлмайди.

Ракетадан мудофаа битимига келганда, биз бу салмоқли, муҳим битимни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашни таклиф қиляпмиз. Сиз эса ундан воз кечмоқчи бўляпсиз ва ҳатто уни қандайдир янги шартнома билан алмаштиришни таклиф қиляпсиз, шу тарика СҚЧ-2 дан қайтилганидан кейин стратегик барқарорликни муҳофаза қилиб турган бу механизмни ҳам бузиб ташламоқчи бўляпсиз. Бунинг сабабини ҳам тушуниб бўлмайди, деб айтдим.

Биз СМТ режаларини ҳам обдон билиб олдик, дедим мен. Агар АҚШ космосда ракетадан мудофаалашнинг уч қатламли системасини вужудга келтирса, биз бунга муносиб жавоб берамиз. Аммо бошқа бир нарса бизни ташвишлантираяпти: СМТ қуролни бошқа муҳитга олиб чиқишни билдиради, бу эса стратегик вазиятни издан чиқаради, уни ҳозиргидан ҳам ёмонлаштиради. Агар АҚШнинг мақсади шундан иборат бўлса, буни очиқ айтиш керак. Аммо сиз ҳақиқатан ҳам ўз халқингиз учун, бутун дунё учун мустаҳкам хавфсизлик бўлишини хоҳласангиз, Американинг позицияси мутлақо асоссиздир.

Мен президентга рўй-рост шундай дедим: биз янги катта таклифлар киритдик, сиздан эса ҳозир ҳамманинг меъдасига теккан ва ҳеч қандай натижага олиб боролмайдиган гапларни эшитяпмиз. Президент жаноблари, бизнинг таклифларимизни яна бир бор синчиклаб мулоҳаза қилиб кўришни ва бандма-банд жавоб қайтаришни сиздан илтимос қиламан, дедим. Шу билан бирга, башарти принцип жиҳатдан келишувга эришилган тақдирда, ташқи ишлар министрларига ва бошқа идораларга **учта битим лойиҳасини** тайёрлаш учун беришимиз мумкин бўлган директиваларнинг Москвадаёқ тайёрланиб, инглиз тилига таржима қилиб қўйилган лойиҳасини унга топширдим. Кейин шу битимларни менинг АҚШга визитим вақтида имзолаш мумкин бўлур эди.

(Давоми иккинчи бетда).

КРЕМЛДА УЧРАШУВ

15 октябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Аргентина республикасининг президенти Рауль Рикардо Альфонсин билан учрашди.

М. С. Горбачев президентнинг диққат-эътиборини Совет Иттифоқи сиёсатининг дунёнинг хилма-хиллиги ва яхлитлиги концепциясидан келиб чиқувчи асосий жиҳатларига қаратди, дунёдаги ҳар бир мамлакат ўзининг социал ва сиёсий истаги ҳурмат қилинишига ҳақли эканини уқтириб ўтди.

М. С. Горбачев Рейкьявикдаги учрашув таассуротларини ва шу учрашув якунлари хусусидаги фикрларини Р. Р. Альфонсинга айтиб берди. Бу учрашув фойдали бўлди, деб таъкидлади у. Ядро қуролини тугатишга асос сола оладиган битимлар тузиш мумкинлигини бу учрашув кўрсатди. Совет Иттифоқи ва барча тинчликсевар кучларнинг ҳаракатлари зое кетмади, қуролсизланиш ва кескинликни юмшатиш учун курашда янги поғонага кўтарилиш имконини берди.

Учрашув самимий, дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

ВАТАНИГА ҚАЙТА ТУРИБ

Лаос халқ-революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Лаос халқ-демократик республикаси Министрлар Советининг раиси Кейсон Фомвихан Москвадан ватанига қайта туриб, 16 октябрь куни Тошкентда тўхтаб ўтди.

Тошкент аэропортида К. Фомвиханни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент область партия комитети бюросининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорлари асосида халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш ва турларини кенгайтиришга меҳнат коллективларини сафарбар этиш юзасидан Фрунзе район партия комитетининг иши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Шу нарса таъкидландики, Фрунзе район партия комитети халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини ва турларини яхшилаш учун мавжуд резервлардан фойдаланишга меҳнаткашларни сафарбар этиш юзасидан бошланғич партия ташкилотларни фаолиятини активлаштиришга қаратилган муайян ташкилотчилик иши олиб бормоқда. Район партия комитети, район ижроия комитети, саноат корхоналари партия ташкилотлари халқ учун юқори сифатли товарлар ишлаб чиқаришни тезлатиш ва комплекс рривожлантиришни, белгиланган план ва топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилган иш услуби ва методларини ниҳоятда суст ўзгартирмоқдалар. 1983 йилдан бошлаб районда оммавий талаб қиладиган буюмлар ишлаб чиқариш плани мунтазам бажарилмай келмоқда. Бу йил тўққиз ойлик план атиги 95,8 процент бажарилди. Айниқса Тошкент тўқимачилик комбинати ва 1-пойабзал фабрикасида катта қолоқликка йўл қўйилди.

Айрим корхоналар етарли ишлаб чиқариш базаси ва конструкторлик кучларига эга бўлишларига қарамай паст сифатли оддий буюмлар ишлаб чиқариш бинларгина чекланиб қолмоқдалар. Кейинги йилларда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш умуман ўсмаяпти. «Промстройкомплект» бирлашмасида, «Узоргтехстрой» босмахонасида, ЦНИИХпром устахоналарида бу кўрсаткич иш ҳақининг бир сўмлик фондига беш тийиндан ошмаяпти.

Бюро Фрунзе район партия комитетининг эътиборини мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун қатъий тадбирлар кўриш, халқ учун товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда ташкилотчилик ва сиёсий ишни такомиллаштириш ва кучайтиришга, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари эътиборини халқ учун юқори сифатли товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан план топшириқларини сўзсиз бажаришга қаратди.

Шу йилнинг тўққиз ойи ичида капитал қурилиш планининг бажарилиши якунлари ва йиллик планнинг бажарилишини таъминлаш вазифалари муҳокама қилинди.

Таъкидлаб ўтилганидек, кейинги вақтда план ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш юзасидан тадбирлар кўрилганлигига қарамай, область капитал қурилишида иш лозим даражада яхшиланмади. Асосий фондларни ишга тушириш плани бажарилмади. Алоҳида давлат аҳамиятидаги объектлар қурилиши қониқарсиз олиб борилмоқда. Бундай объектларнинг 30 тасидан 16 тасида, шу жумладан, «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси (Содиқов, Керимов ўртоқлар), мотор заводи (Бўриев, Содиқов ўртоқлар), Бекобод металлургия заводи (Овсюк, Беглов ўртоқлар), «Ангрен» кўмир разрези (Антипин, Калустьян ўртоқлар), Тошкент область ижроия комитети капитал қурилиш бошқармаси (ўртоқ Аҳмедов) объектларида план бажарилмаяпти. Кўрсатилган корхоналарнинг раҳбарлари қурилишларни лойиҳа-смета ҳужжатлари, қурилиш майдончалари билан таъминлаш юзасидан ўз мажбуриятларини қониқарсиз бажармоқдалар, ускуналар ва махсус материаллар етказиб беришнинг келишилган муддатларини барбод қилмоқдалар.

Партия комитетлари уй-жойлар қурилиши, маданий-маиший объектлар, болалар мактабгача ва даволаш муассасалари қурилиши масалаларини назорат қилмай қўйдилар. Тўққиз ой ичида уй-жойни фойдаланишга топшириш плани Тошкент, Ангренда, Калинин, Паркент ва Тошкент районларида бажарилмади. Тошкент шаҳрида уй-жойларни фойдаланишга топширишда «Главташкентстрой» пудрат ташкилотлари, «Узагропромстрой», «Госкомводстрой», Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, «Узградострой» пудрат ташкилотлари катта қолоқликка йўл қўйдилар. Пудрат ишлари ва меҳнат унумдорлиги планлари бажарилишини Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги ва «Узагропромстрой»нинг кўпгина бўлинмалари уддалай олмаяпти.

Тошкент область ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ В. И. Калибердин ва Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Қ. Н. Тўлаганов капитал қурилишида лозим даражадаги тартибни ўрнатиш юзасидан етарли иш олиб бормаяптилар. Бюро Тошкент, Ангрен, Чирчиқ, Бекобод шаҳар партия комитетлари ва шаҳар ижроия комитетлари, Ленин, Сергели, Ҳамза, Калинин, Паркент, Тошкент, Чиноз район партия комитетлари ва район ижроия комитетларининг капитал қурилишга раҳбарлик соҳасидаги ишини қониқарсиз деб топди. Кўрсатилган шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, шаҳар ва район ижроия комитетларининг раислари эътибори капитал қурилиш планлари мунтазам барбод этилаётганлигига қаратилди.

Қўл остидаги бошқармалар ва бўлимларга лозим даражада раҳбарликни таъминламаганлиги КПСС аъзоси Тошкент область ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ В. И. Калибердинга кўрсатиб ўтилди.

Пудратни ишлари планини мунтазам бажармаганлиги, уй-жойлар, болаларнинг мактабгача муассасалари ва даволаш муассасаларини фойдаланишга топшириш планларини барбод қилганлиги учун КПСС аъзоси «Главташкентстрой» бошлигининг биринчи ўринбосари ўртоқ Э. Р. Шахназаровга виговор берилди.

Тошкент областида жойлашган шаҳарсозлик ташкилотларига етарли раҳбарлик қилмаганлиги, бунинг натижасида пудрат ишлари ва уй-жойларни фойдаланишга топшириш плани барбод бўлганлиги ҚПСС аъзоси «Ўзградострой» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори ўртоқ В. В. Виселковга кўрсатиб ўтилди.

Калибердин, Шахназаров ва Виселков ўртоқларнинг тўртинчи кварталда капитал қурилиш бўйича ҳамма техник-иқтисодий кўрсаткичлар таъминланади, деган сўзи ҳамда «Узглавстройдревпром» бошлиғининг биринчи ўринбосари ўртоқ Смирновнинг қурилишларни дурадгорлик буюмлари билан белгиланган муддатларда қатъий таъминланиши тўғрисида берган сўзи маълумот учун қабул қилинди.

КПСС аъзолари «Промстрой» трестининг бошқарувчиси ўртоқ Содиқов ва капитал қурилиш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Аҳмедовнинг пудрат ишлари планини барбод қилганлиги ва туширилaдиган объектларни жиҳозлар билан қониқарсиз таъминлаганлиги учун партиявий масъулиятини Чилонзор район партия комитети ва область ижроия комитети капитал қурилиш бошқармаси аппаратининг бошлангич партия ташкилотига кўриб чиқиш топширилди.

Бюро шаҳар, район партия комитетлари, шаҳар, район ижроия комитетлари, қурилиш-монтаж ташкилотлари ва буюртмачи корхоналарнинг раҳбарларига коллективларни ҳамма кўрсаткичлар бўйича план ва социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажаришга сафарбар этиш юзасидан қатъий чоралар кўриш вазифасини юклади.

Область партия комитетининг бюроси бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети умумий бўлимининг сектор мудири ўртоқ Татьяна Николаевна **Камолованн** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. ГОРБАЧЕВнинг совет телевидениеси орқали сўзлаган нутқи

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

Биз тушдан кейин яна учрашдик. Президент танаффус вақтида ишлаб чиқилган позицияни эълон қилди. Дастлабки иборалардан кейиноқ, мен матбуот конференциясида айтганимдек, Женева музокараларини лоҳас қилаётган, ис босган эски таклифлар йиғиндисини: турли-туман оралиқ вариантларни, рақамларни, даражаларни, нимдаражаларни ва шу кабиларни яна бизга тақдим этаётганликлари равшан бўла бошлади. Бирон-бир ечимни, олга томон бўладиган бирон-бир ҳаракатни лоақал шама қила оладиган бironта янги фикр, бironта янгича ёндашув, бironта ғоя йўқ эди.

Ўртоқлар, Рейкьявикка америкаликлар бирон бир таклиф олиб келмаганликлари равшан бўлиб қолди. Улар бу ерга ўз саватларига мева териб олиш учунгина, қуп-қуруқ келибдилар, деган таассурот ҳосил бўлди.

Оғир вазият вужудга келди.

Америка президенти принципиал масалаларни дадил ҳал этишга, ҳақиқатан ҳам натижадор ва умидбахш музокараларга туртки бериш учун бизнинг таклифларимизни қабул қилишга тайёр эмас эди. Ҳолбуки мен ўз мактубимда иккала мамлакатнинг олий раҳбарлари даражасида ядровий қуролсизланиш тўғрисидаги музокараларга қудратли туртки бериш учун ҳеч кечиктирмай дарҳол учрашув ўтказиш тўғрисидаги ғояни ўртага қўйиб, президентни шундай иш тутишга тайёр бўлишга даъват қилган эдим.

Биз ўз таклифларимиз музокарадошнинг манфаатларини эътиборга оладиган ҳар томонлама пухта ўйланган таклифлар эканига ишончимиз комил бўлганлиги сабабли учрашувда бурилиш бўлишига эришиш мақсадида ўз куч-ғайратларимизни давом эттираверишга аҳд қилдик. Аниқлик киритувчи кўпгина саволлардан кейин стратегик қуроллар масаласида равшанлик пайдо бўлди. Биз шуни илиб олиб, муросага келиш иложини қидириш йўлида яна бир катта қадам қўйдик. Мен президентга: сизларда ҳам, бизда ҳам стратегик ҳужум қуроллари ва ўрта ва ядро қуролини қисқартирсак, ҳеч ким шу вақт ичида барқарорликни ва тенгликни буза оладиган янги воситаларни яратмаслигига иккала томоннинг ишончи комил бўлиши керак. Шу сабабли муддатни белгилашни мутлақо мантиқий деб ҳисобладим — америкаликлар етти йил ҳақида гапирдилар, биз ўн йилни таклиф қилдик, — мана шу ўн йил мобайнида ядро қуроли йўқ қилиб ташланиши лозим эди. Биз Совет томони ҳам, Америка томони ҳам ракетадан мудофаа хусусидаги Шартномадан чиқиш ҳуқуқидан (улар шундай ҳуқуқ ўз эгадирлар) ўн йил мобайнида фойдаланмасликларини таклиф қилдик. Тадқиқот ва синовлар эса лабораториялардагина давом эттирилаверади. Шундай қилиб, сизлар нега айни 10 йил таклиф қилинаётганини тушуниб олдинглар, деб ўйлайман. Бу тасодифий эмас. Бу ўриндаги мантиқ оддий ва ҳалол мантиқдир. Дастлабки 5 йил мобайнида стратегик қуролларнинг дастлабки 50 проценти, кейинги 5 йил ичида эса қолган ярмиси қисқартирилади. Мана шундан ўн йил келиб чиқади.

Шу муносабат билан мен ўз масъул вакилларимизга натижада ядро портлатишларини батамом, узил-кесил тақиқлаш тўғрисида битим ишлаб чиқиш учун шу портлатишларни тўхтатиш тўғрисидаги ва СМТга оид ишларнинг натижаларини сизлар билан баҳам кўришга тайёрман, деган гаплардан иборат эди. Мана шу сўнгги мулоҳаза хусусида мен бундай дедим: президент жаноблари, сизнинг мана шу ғоянгизни — сиз СМТга оид ишларнинг натижаларини биз билан баҳам кўришингиз тўғрисидаги ғояни жиддий бир гап деб қабул қила олмайман. Ҳозир сиз ҳатто нефть асбоб-ускуналари ёки сут заводларининг асбоб-ускуналарини биз билан баҳам кўришни хоҳламаяпсиз-у, мана шундай бир пайтда СМТга оид ишлакмаларни биз билан баҳам кўриш тўғрисидаги ваъдангизга бизнинг ишонишимизга умид қилаяпсизми. Бу нарса қандайдир «иккинчи америка революцияси» бўлур эди, революциялар эса унчалик тез-тез бўлавермайди. Мен президент Рейганга: келинг, реалист ва прагматик бўлайлик, шундай бўлганимиз ишончлироқ, бу ўринда жуда жиддий нарсалар ҳақида гап боряпти, деб айтдим.

Хонаси келганда шуни айтиш керакки, кеча президент СМТ хусусидаги ўз позициясини оқлашга уриниб, бу программа унга Америка ва унинг иттифоқчиларини Совет ракеталари зарбасидан омон сақлаш учун керак, деган гапни айтди. Кўриб турибсизки, энди телбалар рўкач қилинмади. Яна «совет хавфи» пеш қилина бошланди. Аммо бу — ўтакетган найрангбозликнинг ўзи. Биз стратегик қуролларнигина эмас, АҚШ ва СССР ихтиёридаги ядро қуролларининг ҳаммасини ҳам йўқ қилиб ташлашни ва бу ишни қаттиқ контрол остида ўтказишни таклиф қилдикку, ахир.

Модомики шундай экан, «Американинг озодлигини», унинг дўстларини Совет ядровий ракеталаридан хавфхатарсиз сақлаш зарурлиги тўғрисидаги масала қаердан келиб чиқмоқда, — бу ракеталар бўлмайдику, ахир?

Агар ядро қуроли бўлмаса, ундан мудофаланишнинг нима ҳожати бор? Демак, «самовий урушлар» билан боғлиқ бўлган машмашаларнинг ҳаммаси нуқул милитаристик характерида бўлиб, Совет Иттифоқидан ҳарбий устунликка эришиш мақсадини кўзлайди.

Бироқ музокараларга қайтайлик. Гарчи стратегик қуроллар ва ўртача олислик ракеталари хусусида аҳдномага эришилган бўлса ҳам, дастлабки икки суҳбат натижасида бу масалаларнинг ҳаммаси узил-кесил ҳал этилди, деб ҳисоблашга ҳали эрта эди. Ҳали бутун кун бўйи, қариб саккиз соат мобайнида узлуксиз ва қизғин мунозаралар бўлиши керак эди. Бу мунозаралар чоғида келишиб олингандек бўлиб туюлган мана шу масалаларга қайта-қайта мурожаат этишга тўғри келди.

Бу мунозараларда президент мафкуравий муаммоларга ҳам ўтишга уриниб, юмшоқ қилиб айтганда, социалистик дунё нима-ю, унда нималар содир бўлаётганлигидан мутлақо хабарсиз эканини ва буларни тушунмаслигини ошкор қилиб қўйди. Мен мафкуравий соҳадаги тафовутларни қуролланиш пойгасини тўхатиш масалалари билан боғлаш йўлидаги уринишларни рад қилдим. Президентга ва давлат секретарига биз Рейкьявикда тўпланишдан кузатган мақсадга қайтишни сабот билан тавсия этдим. Таклифларимизнинг учинчисини суҳбатдошларга қайта-қайта эслатишга ва бу таклифни қабул қилмай туриб умуман бир битимга келишнинг иложи йўқлигини айтишга тўғри келди. Бу ўринда мен ракетадан мудофаа хусусидаги Шартномага қатъий риоя қилиш, мана шу жуда муҳим шартнома режимини мустаҳкамлаш ва ядро синовларини тақиқлаш зарурлигини назарда тутяпман.

Мутлақо равшан бўлиб кўринган нарсаларга қайтақайта эътиборни жалб қилишга тўғри келди: биз ядро қуролларини тубдан қисқартириш билан шуғулланишга рози бўлдикми, шундай аҳволни вужудга келтиришимиз керакки, бунда амалда бир ёқда турсин, балки ҳатто хаёлда ҳам стратегик барқарорликни бўшаштиришга, аҳдлашувларни четлаб ўтишга уринишлар бўлмасин. Шу боисдан биз ракетадан мудофаа тўғрисидаги муддатсиз Шартнома сақлаб қолинишига қатъий ишонч ҳосил қилишимиз керак. Сиз, жаноб президент, дедим мен, шунга қўшилишингиз керакки, биз ядро қуролини қисқартиришга рози бўлаётган эканмиз, АҚШ СССРдан яширинча ҳеч нарса қилмаслигига, Совет Иттифоқи ҳам сизларнинг хавфсизлигингизни таҳлика остида қолдирадиган, битимни қадрсизлантирадиган, қийинчиликлар вужудга келтирадиган бирон нарсани АҚШдан яширинча қилмаслигига тўла ишонч бўлиши керак.

Ракетадан мудофаа режимини мустаҳкамлашдан иборат энг асосий вазифа эса мана шундан келиб чиқади. Ушбу программага мувофиқ ечимлар билан космосга чиқмаслик, лабораториялар доирасида қолиб туриш зарур. Ракетадан мудофаа Шартномасидан чиқиш ҳуқуқидан ўн йил фойдаланмаслик биз қуролярогларни қисқартириш проблемасини ҳал эта бориб, томонлардан ҳар бирининг хавфсизлигини таъминлашимизга қатъий ишонч яратиш учун зарурдир. Қолаверса, бутун дунёдаги хавфсизликни ҳам таъминлаган бўламиз.

Лекин америкаликлар бошқа нарсага тайёрланганликлари равшан эди. Биз АҚШ амалда ракетадан мудофаа тўғрисидаги шартномани занфлаштиришни, ўзларининг худбинлик мақсадларида кенг миқёсдаги ракетадан мудофаа космик системасини яратиш мақсадида уни қайта кўриб чиқишни истаётганлигини кўрдик. Бунга рози бўлиш — менинг томонимдан масъулиятсизлик бўлур эди холос.

Ядро синовларига келганда бунда ҳам Америка томони нима учун шу мавзудаги музокараларни жиддий олиб боришни истамаётганлиги ниҳоятда равшан эди. Америка томони бу музокараларни чексиз давом эттиришни, ядро синовларини тақиқлаш проблемасини ҳал этишни бир неча ўн йиллар орқага суришни афзал кўрган бўлур эди. Музокаралардан ядро портлатишлари соҳасида эркин иш кўришни ниқоблаш учун фойдаланиш йўлидаги уринишларни бизнинг неча марталаб рад этишимизга тўғри келди. Мен тўппа-тўғри шундай дедим: АҚШнинг позицияси ҳаллолликги хусусида менда шубҳалар пайдо бўлмоқда, — бу позицияда Совет мамлакатига зиён етказиш мумкин бўлган бирон нарса йўқмикан? Қўшма Штатлар ядро қуролларини такомиллаштиришни давом эттираверган тақдирда шундай қуролларни тугатиш тўғрисида қандай қилиб аҳдлашиб олиш мумкин? Шундай бўлса ҳам бизда асосий ишкаллик — СМТда деган таассурот қолди. Ана шу ишкалликни бартараф этиб, ядро портлатишларини тақиқлаш тўғрисида ҳам аҳдлашиб олиш мумкин бўлур эди.

Музокараларнинг муайян босқичида, мунозарани давом эттириш — вақтни беҳуда сарфлаш эканлиги мутлақо равшан бўлиб қолганида мен: биз чора-тадбирларнинг муайян мажмуасини таклиф этдик ва уни кўриб чиқишингизни сўрайман, деб эслатдим. Модомики, биз сизлар билан ядро қуролини кўплаб қисқартириш мумкинлиги тўғрисида умумий позицияни ишлаб чиқиб, ракетадан мудофаа ва ядро синовлари тўғрисидаги масалада келишувга эриша олмаган эканмиз, у ҳолда биз бу ерда вужудга келтиришга уринган нарсаларнинг ҳаммаси барбод бўлади.

Президент билан давлат секретари бизнинг бундай қатъиятимизга ранжиброқ қарадилар. Лекин мен масалани бундан бошқача қўя олмас эдим. Гап мамлакат хавфсизлиги тўғрисида, бутун дунёнинг, барча халқлар ва қитъаларнинг хавфсизлиги тўғрисида бораётган эди.

Биз катта-катта, ҳақиқатан ҳам кенг миқёсли, ён босганлигимиз яққол кўриниб турган нарсаларни таклиф этдик. Биз ён босишларга рози бўлдик. Бироқ биз Америка томонининг бизга ҳам худди шундай жавоб қайтаришга, бизга ҳам ён босишга мутлақо истаги йўқлигини кўрдик. Боши берк кўчага кириб қолинди. Шунда биз учрашувни нима билан тугалласак экан, деб ўйлай бошладик. Шундай бўлса-да, биз музокараларимизни амалий суҳбатга тортиш йўлидаги куч-ғайратларни давом эттиравердик.

Якунловчи деб мўлжалланган суҳбат тангликка учраб қолди. Шундай вазиятда биз Москвага, улар эса Вашингтонга жўнаб кетишимиз ўрнига яна бир танаффус эълон қилинди. Томонлар ҳамма нарсани пухта ўйлаб кўриб, тушдан кейин яна бир марта учрашсинлар дейилди. Биз танаффусдан кейин шаҳар мэрининг уйига қайтиб келиб, учрашувни муваффақиятли тугаллашга яна бир марта уриниб кўрдик. Ижобий якун ясаш учун асос сифатида қўйидаги текстни таклиф қилдик.

Мана ўша текст:

«СССР ва АҚШ ракетадан мудофаа тўғрисидаги муддатсиз шартномадан чиқиш ҳуқуқидан 10 йил мобайнида фойдаланмаслик ва шу давр мобайнида шартноманинг барча қоидаларига қатъий амал қилиш мажбуриятини олган бўлур эдилар. Лабораторияларда ўтказиладиган тадқиқотлар ва синовлардан ташқари ракетадан мудофаа барча космик элементларининг космосдаги синовлари таъқиқланади.

Ана шу ўн йилнинг дастлабки беш йили давомида (1991 йилгача) томонларнинг стратегик ҳужум қуроллари 50 процент қисқартирилади.

Шу даврнинг кейинги беш йили мобайнида томонлар стратегик ҳужум қуролларининг қолган 50 процентини қисқартирилади.

Шундай қилиб, 1996 йилнинг охирларида СССР билан АҚШнинг стратегик ҳужум қуроллари батамом йўқ қилинади».

Мен бу текстни шарҳлаб, бизнинг биринчи суҳбатимиз охирида президентга топширилган ҳужжатга асосланиб, муҳим ялова қилдим. Унинг моҳияти шундаки, 10 йил ўтгандан кейин, ядро қуроли тугатилганида биз махсус музокараларда бундан буён нима иш қилиш кераклиги тўғрисида ўзаро мақбул қарорлар ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Аммо бу сафар ҳам битимга келиш йўлидаги уринишларимиз натижа бермади. Биз тўрт соат мобайнида суҳбатдошларимизни бизнинг ёндашувимиз асосли эканлигига, бизнинг ёндашувимиз уларга ҳеч қандай хавф солмаслигига, АҚШнинг чинакам хавфсизлиги манфаатларига дахл қилмаслигига яна ишонтириб кўрдик. Лекин гап қанчалик чўзилгани сари америкаликлар СМТ программасига оид тадқиқотлар, ишланмалар ва синовларни лаборатория доирасида чеклаб қўйишга кўнмасликлари тобора равшанроқ бўлиб бораверади. Улар қурол билан космосга чиқишга жон-жаҳдлари билан уринмоқдалар.

Мен ўз қўлларимиз билан ракетадан мудофаа тўғрисидаги Шартномага путур етказишга ёрдам беришга биз ҳеч қачон рози бўлмаслигимизни қатъий қилиб айтдим. Бу биз учун принцип масаласи, миллий хавфсизлигимиз масаласидир.

Шундай қилиб, бутун ядро-космик даври учун тарихий бўлиб қолиши мумкин бўлган қарорларни қабул қилишга деярли бир ёки иккиуч қадам қолганда биз ана шу қадамни ёки қадамларни қўя олмадик. Жаҳон тарихида бурилиш содир бўлмади. Ваҳолонки, шундай бурилиш имкони бўлганлигини яна бир бор комил ишонч билан айтаман.

Лекин бизнинг виждонимиз пок, бизга ҳеч нарсада таъна қилиб бўлмайди. Биз қўлимиздан келган ҳамма ишни қилдик.

Бизнинг музокарадошларимизда кенг кўламдаги ёндашув, шу пайтнинг ноёблигини англаш ва пировард натижада ғоят муҳим энг йирик жаҳон проблемаларини ҳал этиш чоғида жуда зарур бўлган мардлик, масъулият, сиёсий қатъият етишмади. Улар замон синовига бардош бермаган ва ҳозирги реалликларга мос келмаётган эски позицияларида қолдилар.

Менга у ерда, Исландияда чет элликлар савол беришган эди, бу ердаги ўртоқлар ҳам шундай савол беришмоқда: Рейкьявикдаги учрашувда Америка делегацияси ўзини шундай тутиши сабабларини нимада, деб биласиз? Ҳам субъектив, ҳам объектив сабаблар кўп, — лекин энг асосийси шундаки, ана шу буюк мамлакат раҳбарлари ҳарбий саноат комплексига, монополистик группаларга ҳаддан ташқари қарамдирлар. Ҳарбий саноат комплекси ва монополистик группалар ядровий ҳамда бошқа қуролланиш пойгасини бизнеста, мўмай фойда олиш воситасига, ўзининг яшаш мақсади ва ўз фаолиятининг мазмунига айлантириб қўйишган.

Америкаликлар вазиятга бераётган баҳоларида иккита жиддий хатога йўл қўймоқдалар, деб ўйлайман.

Биринчиси — тактик хато. Улар Совет Иттифоқи эртами-кечми Американинг стратегик устунлигини тиклаш йўлидаги уринишларига кўниб, фақат Совет қуролларини чеклашга, фақат Совет қуролларини қисқартиришга рози бўлади, деб ўйламоқдалар. Гўё Совет Иттифоқи қуролсизланиш проблемаси юзасидан аҳлатишувга эришишдан АҚШга қараганда кўпроқ манфаатдорлиги учун шундай қилади, деб ўйламоқдалар. Лекин бу — чуқур янглишишдир. Америка маъмурияти мана шундай янглишишдан қанчалик тезроқ халос бўлса, улар учун ҳам, бизнинг муносабатларимиз учун ҳам, шунчалик яхши бўлади. Эҳтимол, мен бу гапни юзинчи марта айтаётган бўлсам керак.

Иккинчиси — стратегик хато. Қўшма Штатлар энг янги ва жуда қимматга тушадиган космик қуроллар пойгаси орқали Совет Иттифоқининг иқтисодий жиҳатдан силласини қуритишни истайди. Совет раҳбарлари учун ҳар хил қийинчиликларни вужудга келтиришни, ларнинг режаларини, шу жумладан социал соҳадаги, халқимизнинг турмуш шароитларини яхшилаш соҳасидаги режаларини ҳам барбод этиб, шу тариқа халқда ўз раҳбарларига, мамлакат раҳбарларига нисбатан норозилик уйғотишни хоҳламоқда. Қолаверса, шу йўл билан Совет Иттифоқининг ривожланаётган мамлакатлар билан иқтисодий алоқалари имкониятларини чеклаб қўйишни ҳам истайди, ана шундай вазиятда ривожланаётган мамлакатларнинг ҳаммаси Америка Қўшма Штатларига таъзим қилиб боришга мажбур бўлур эдилар. Бу — олисни кўзловчи қора ниятлардир. Ҳозирги маъмуриятнинг стратегик йўли ҳам янглишиш асосига қурилмоқда. Афтидан, Вашингтондагилар бизнинг мамлакатимизда содир бўлаётган ўзгаришларни эътибор бериб анализ қилиш билан ўзларини уринтиришни хоҳламаётганга, ўзлари учун, ўзларининг йўли учун тегишли амалий хулосалар чиқариб олишни хоҳламаётганга ўхшайдилар ва истакларини ҳақиқат қилиб кўрсатишга уринмоқдалар. Ана шу хато асосида СССРга нисбатан сиёсатни юритмоқчи бўладилар. Бундай сиёсатнинг узоқ давом этадиган барча оқибатларини олдиндан кўриш қийин эмас, албатта. Бизга бир нарса ҳозирнинг ўзидаёқ равшан: бу сиёсат ҳеч кимга, шу жумладан Қўшма Штатларнинг ўзига ҳам ҳеч қандай яхшилик келтирмайди, яхшилик келтириши ҳам мумкин эмас.

Сизларнинг ҳузурингизда гапиришдан олдин мен АҚШ президентининг Рейкьявик тўғрисидаги баёнотини ўқиб чиқдим. Президент муҳокама этилган барча таклифларни ўзиники қилиб кўрсатаётганлиги эътиборни жалб қилади. Нима ҳам дердик, ана шу таклифлар америкаликлар ва жаҳон халқлари учун шу қадар жозибали бўлса керакки, бундай айёрликни ҳам ишлатиш мумкин бўлибди. Бизни шуҳратпарастлик кемираётгани йўқ. Лекин шундай бўлса ҳам одамлар Рейкьявикдаги ишлар ҳақиқатда қандай бўлганлигини билишлари муҳимдир.

Хўш, кейинчи? Мен матбуот конференциясида айтиб ўтганимдек, учрашувга қадар ҳам, у ерда, Рейкьявикда ҳам қилинган ишлар беҳуда кетмайди. Ана шу учрашув муносабати билан ўзимиз ҳам кўп нарсани обдон ўйлаб, кўп нарсани қайта кўриб чиқдик. Эндиликда биз тинчлик ва қуролсизланиш учун бундан буёнги курашни авж олдириб бориш йўлини яхшироқ тозалаб қўйдик. Сиёсатимизнинг мана шу ғоят муҳим соҳасидаги янги ёндашувларга тўсқинлик қилиб турган уюмлардан, жузъий, майда-чуйда, сийқаси чиққан нарсалардан халос бўлдик.

Биз қаерда турганлигимизни биламиз, ўз имкониятларимизни яққолроқ кўриб турибмиз. Рейкьявикдаги учрашувга тайёргарлик бизга янги, дадил платформани, пировард муваффақиятга эришиш имкониятини оширадиган платформани таърифлашимизга ёрдам берди. Бу платформа жамият социалистик тараққиётининг янги босқичида халқимиз ва жамиятимизнинг манфаатларига мос келади. Шу билан бирга бу платформа бошқа ва халқларнинг манфаатларига ҳам мос бўлиб тушади — ва шу билан ишончга лойиқдир. Аминмизки, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ва ғоят хилма-хил сиёсий ва жамоат доираларида шу платформа тушуниб, кутиб олинади.

Бутун дунёдаги ғоят кўпчилик, шу жумладан ҳукумат арбоблари ҳам Рейкьявикдан жиддий хулосалар чиқариб олишлари мумкин ва шундай хулосалар чиқариб олишлари шарт, деб ўйлайман. Гап нимада эканини, ядросиз дунё сари, ялпи хавфсизлик сари бурилиш ясаш ва ҳаракат қилиб бориш йўлидаги шундай куч-ғайратлар нима учун ҳозирча керакли натижа бермаётганлигини ҳаммаси нинг қайта ва қайта пухта ўйлаб кўришига тўғри келади.

Президент ҳам ҳозир анализимизнинг боришини, Совет Иттифоқининг муддаоларини, совет позициясидаги силжишларнинг имкониятлари ва чегараларини аниқроқ ва тўлиқроқ тасаввур қилади, деб умид қиламан. Жумладан, шунинг учун аниқроқ ва тўлиқроқ деб айтяпманки, Рейган жаноблари халқаро вазиятни барқарор қилиш ва согломлаштириш манфаатлари йўлидаги бизнинг амалий тадбирларимиз юзасидан изоҳларни биринчи манбадан олди.

Афтидан, Америка раҳбарларига муайян вақт керак бўлади.

Биз реалистлармиз ва шуни равшан англаймизки, кўп йиллар, ҳатто ўн йиллар мобайнида ҳал этилмаган масалалар бир ўтиришда ҳал этилиб қолиши амри маҳол. Бизда Қўшма Штатлар билан иш юритишдаги тажрибамиз ҳам оз эмас. У ерда ички сиёсий иқлим қанчалик ўзгарувчан бўлишини, океаннинг нариги томонида тинчлик муҳолифлари қанчалик кучли ва нуфузли эканликларини биламиз. Буларнинг ҳаммаси биз учун янгилик ҳам, кутилмаган ҳол ҳам эмас.

Биз ҳафсалани пир қилмай, эшикни қаттиқ ёлмаётган, асабларимизга эрк бермаётган (ҳолбуки, мана шуларнинг ҳаммаси учун асослар ошиб-тошиб ётибди) эканмиз, ядро даврида давлатлараро нормал муносабатларни барпо этиш йўлида янги куч-ғайрат сарфлаш зарурлигига астойдил ишонганлигимиз учунгина шундай қилмоқдамиз. Бундан бошқа йўл мутлақо йўқ.

Яна бир гап: Рейкьявикдан кейин машъум СМТ тинчлик ишига тўғаноқ рамзи сифатида, милитаристик режаларнинг, инсониятга таҳдид солиб турган ядровий хавф-хатарни бартараф этиш истаги йўқлигининг мужассам ифодаси сифатида ҳамманинг кўз ўнгида яна ҳам кўпроқ намоён бўлиб қолди. Буни бошқача қабул қилиб бўлмайди. Бу — Рейкьявикдаги учрашувнинг жуда муҳим сабоғидир.

Ана шу ғоят тиғиз кунларнинг қисқача якунини чиқара туриб, мен уни шундай хулосалаган бўлур эдим. Бўлиб ўтган учрашув — катта воқеа. Позициялар қайта баҳоланди. Сифат жиҳатдан ўзгача вазият вужудга келди. Энди ҳеч ким шу пайтгача ҳаракат қилиб келганидек ҳаракат қила олмайди. Учрашув фойдали бўлди. У олга томон эҳтимол тутилган қадамга, АҚШ, ниҳоят, реалистик позицияларга ўтган, бериладиган баҳоларда хом хаёллардан воз кечган тақдирда, яхшилик томон реал силжишга тайёргарлик бўлди.

Бу учрашув бизда танлаб олинган йўлнинг тўғрилигига, ядро даврида янгича сиёсий фикрлаш зарурлиги ва унинг конструктивлигига ишонч ҳосил қилмоқда.

Биз ғайрат-шижоат ва қатъиятга тўлиб-тошганмиз. Мамлакат қайта қуришни бошлаб юбориб, ҳозирдаёқ муайян йўлни босиб ўтди. Биз ишни эндигина бошлаган бўлишимизга қарамай, силжишга эришилди. Саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиши 9 ой ичида 5,2 процентни ташкил этди, меҳнат унумдорлиги 4,8 процент ошди. Ҳосил қилинган миллий даромад ўтган йилга нисбатан 4,3 процент кўпайди.

Мана шу барча кўрсаткичлар бу йилги план кўрсаткичларидан юқоридир. Бу эса халқимиз томонидан берилаётган энг кудратли мададдир, чунки буларнинг ҳаммаси халқимиз меҳнатининг самараларидир. Бу — партия сиёсатига берилаётган энг қудратли мадад — иш билан берилаётган мададдир.

Бу эса, халқнинг янги шароитдаги меҳнати мамлакатнинг иқтисодий потенциалини тезроқ кўпайтириш имконини беришини, шу тариқа унинг мудофаа имкониятларини мустаҳкамлашни кўрсатиб турибди.

Совет халқи, совет раҳбарлари социализм сиёсати фақат тинчлик ва қуролсизланиш сиёсати бўлиши мумкин ва лозим деган яқдил фикрдадирлар. Биз КПСС XXVII съезди белгилаган йўлдан қайтмаймиз.

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР КИЛАДИ:

● ПИСКЕНТ

МАШИНАЛАР хирмонга барака киритди. Механик-ҳайдовчиларнинг умумий хирмонга қўшган ҳиссаси 2445 тоннадан ортиб кетди.

Шундай қилиб, Пискент районидаги Тельман номли колхоз деҳқонлари машина терими планини ошириб бажардилар. Ҳар бир машинада ўртача салкам 100 тоннадан пахта териб олинди. Механизаторлардан Раим Маматқулов, Вали Мамедов, Қамбар Ботиров ўртоқлар теримда энг юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Райондаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози механик-ҳайдовчилари ҳам машина теримини уюшқоқлик билан ўтказиб, яхши натижаларга эришдилар ва планни муддатидан илгари бажарилишини таъмин этдилар. Бу хўжаликда ҳозирги кунга қадар машиналар билан 1715 тоннадан ортиқ пахта йиғиштириб олинди.

● ОҚҚЎРҒОН

РАЙОН маданият уйи қошида ташкил этилган «Наврўз» ансамбли пахтакорларга хилма-хил концертлар қўйиб бермоқда. Ҳозиргача улар 20 дан ортиқ дала шийпонларида бўлиб, деҳқонларнинг кўнгилларини хушнуд этдилар.

Айни кунларда далада меҳнат қилаётганларга манший, медицина хизмати кўрсатиш савиясини яхшилашга ҳам катта эътибор берилаётир. 6 та кўчма автолавка ва амбулаториялар ҳар куни навбатма-навбат хўжаликларнинг дала шийпонларида бўлиб турибди. Пахтакорларга кўрсатилаётган савдо, маданий, манший, медицина хизматидан кўпчилик мамнун бўлмоқда.

● БЎКА

КЕЙИНГИ пайтларда ҳавонинг кескин ўзгариб, ёғингарчиликнинг бўлиши деҳқонларни анча ошириб қўйди. Лекин улар ўзларининг тажриба, иродалари, матонатларини табиат кучларига қарши қўймоқдалар. Пахта тайёрлаш суръатини сусайтирмаслик чораларини кўрмоқдалар: райондаги барча тайёрлов пунктларида қуритиш-тозалаш цехлари ишга тушириб юборилди. Бу соҳада «Партия XIX съезди», «Ленинизм», «Равот» ҳамда «Кўкорол» пахта пунктларида ибратли ишлар қилинмоқда. Булардаги мавжуд қуритиш-тозалаш цехлари тўла унум билан ишламоқда. Натижада ҳар бир сменада 25 тоннага яқин пахтани қуритилиб, бунтларга жойлаш мумкин бўлаётир.

Ана шу йўл билан об-ҳаво ноқулай келганига қарамай, ўтган куни районда 123 тонна пахта бунтларга жойлаб қўйилди.

●

РАЙОН пахтазорлари — чинакам жасорат майдонига айланган. Ҳамма далада. Етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олишда мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ҳам ота-оналарига кўмаклашмоқдалар. Айни кунларда хўжаликларда 4 мингдан ортиқ ўқувчи-ҳашарчи теримда қатнашяпти. Уларнинг кучи билан кунига 100—125 тонна пахта терилмоқда. Унумдорлик 35—40 килограммданга тўғри келяпти.

Мавсум бошлангандан буён ўқувчилар териб берган пахта 1310 тоннага етди. Айниқса, Бобур номли, Островский номли, Фурқат, Лермонтов номли мактабларнинг коллективлари баракали ёрдам бермоқдалар.

● БЕКОБОД

«КПСС XXV съезди» совхозининг 5-бўлимидаги Ж. Асадов бошлиқ бригада пахтакорлари ўзаро мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Улар бу йил 80 гектар ерда мўл ҳосил етиштирдилар. Йиғим-теримни уюшқоқлик билан бошлаб, суръатни кун сайин оширдилар. Натижада, дастлабки меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Ҳозиргача давлатга 230 тоннадан ортиқ хомашё сотиб, планларини ошириб бажардилар. Шу кунларда улар ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш учун кураш олиб бормоқдалар.

Дзержинский номли колхознинг Жаббор Ражабов, Тошпўлат Жонузоқов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг деҳқонлари ҳам бир неча кундан буён социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар.

● ТУЙТЕПА

БАРЧА хўжаликларда теримда юқори кўрсаткичларга эришаётган механик-ҳайдовчилар сафи кўпайиб бормоқда. Ана шулардан бири Мурод Норқулов. У мавсумда пахта териш юзасидан олган дастлабки мажбуриятини бажариб, қўшимча мажбурият ҳисобига пахта термоқда.

Мирзо Иброҳимов, Баттол Нуриев сингари механик-ҳайдовчилар ҳам районнинг пешқадам механизаторлари сафидан мустаҳкам ўрин олганлар.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 16 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун машина терими — бир кунлик, бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Чиноз	1,04	94,82	0,72	91,29
Пискент	0,29	80,44	0,05	83,17
Ўрта Чирчиқ	0,75	79,08	0,35	98,54
Янгийўл	0,70	74,45	0,23	71,44
Бекобод	0,35	74,22	0,03	72,09
Оққўрғон	0,50	71,40	0,17	79,92
Коммунистик	0,29	70,30	0,11	88,75
Ғалаба	0,27	68,58	0,24	84,02
Бўка	0,20	66,50	0,10	75,70
Область бўйича:	0,44	74,07	0,19	81,57

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида маълумот (мавсум бошидан буён, планга нисбатан процент ҳисобида): Фарғона—81,89; Наманган — 64,47; Сурхондарё—64,29; Сирдарё—63,67; ҚҚАССР—63,62; Хоразм—61,40; Бухоро—59,65; Самарқанд — 48,62; Жиззах—47,99; Андижон—46,81; Навоий—39,44; Қашқадарё—37,63; республика бўйича—58,45.

Давра суҳбати

ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛЛАРИДА

МУҲОКАМА МАВЗУСИ: ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИ ВА МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ БЎЙИЧА ТАШАББУСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

ЯҚИНДА КПСС Марказий Комитети В. М. Гвоздев, А. П. Потапов ва В. Л. Сидорейколар бошчилик қилаётган коллективларнинг беш йилликнинг икки йили планини муддатидан илгари бажариш ва меҳнат унумдорлигини анча ошириш тўғрисидаги ташаббусини маъқуллади. Унда министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, касаба союз комитетлари меҳнат коллективларида бу ташаббусни кенг ёйишлари ва қўллаб-қувватлашлари, меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича оммавий ҳаракатни кенг авж олдиришлари, мусобақалашувчиларга барча зарур шароитларни яратиб беришлари, бу ишда ҳар бир раҳбар ва инженер-техник ходим актив иштирок этишига эришишлари зарурлиги таъкидланди.

Бу мақсадга ҳар бир корхона ва иш жойида қандай қилиб эришиш мумкин? Учрайдиган тўсиқларни қандай бартараф этиш керак? Тошкент область касаба союзлари Советида «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари билан ҳамкорликда ўтказилган навбатдаги давра суҳбатининг мавзуси ана шундай эди. Давра суҳбатида корхоналар раҳбарлари ва мутахассислари, ишлаб чиқариш илғорлари, социалистик мусобақа ташаббускорлари, рационализаторлар ва ихтирочилар, касаба союз ходимлари иштирок этдилар.

РЕЖАЛАР АМАЛГА ОШСИН

область касаба союзлари Совети секретари Д. Д. УСАЧЕВ:

— КПСС Марказий Комитетининг «Ўн иккинчи беш йилликка — Совет халқининг илҳомбахш ижодий меҳнати» мурожаатига жавобан область меҳнат коллективларида бирканча ажойиб ташаббуслар вужудга келди, уларда КПСС XXVII съезди томонидан қўйилган вазифаларни бажаришда инсон омилининг роли ошаётганлиги алоҳида таъкидланади.

Коллективларнинг йиғилишларида Чирчиқдаги «Ғунча» фабрикасининг тикувчи-мотористи Н. В. Гайсина, Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Е. А. Губиналар ўн иккинчи беш йилликда ўн йиллик топшириқни бажариш мажбуриятини олдилар. «Ғунча» фабрикасида бу ташаббусни 11 ишчи, тўқимачилик комбинатида эса 19 тўқувчи қўллаб-қувватлашди. В. И. Ленин номли электрон техника заводининг радиомонтажчилар бригадири Л. И. Бондарева меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича беш йилликнинг икки йили планини Улуғ Октябрнинг 70 йиллигигача бажаришга қарор қилди. Бу ташаббусни корхонада 114 бригада, умуман областда эса 10 мингдан ортиқ коллектив қўллаб-қувватлади.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент асбобсозлик заводи, 2502, 2505, 2512-автоколонналар, 39-автокорхона, 5-автопарк, «Главташкентстрой»нинг қурилиш бошқармалари ва трестларида кўпдан бригадалар юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилишди.

КПСС Марказий Комитети ва ВЦСПСнинг XI пленуми маъқуллаган ташаббус— В. М. Гвоздев, А. П. Потапов ва В. Л. Сидорейколар бошлиқ бригадаларнинг 1987 йилнинг 7 ноябригача меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича беш йилликнинг охиригача белгиланган топшириқни бажариш тўғрисидаги ташаббус областимизда кенг қулоч ёйди. Бу ташаббусни «Учқун» тўқимачилик-галантерея бирлашмасининг тўқувчиси Г. Т. Арцебасова, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли Тошкент тикув бирлашмасининг бичиқчиси Ф. А. Полтаева, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси В. С. Дробишева, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесарлар бригадалари бошлиқлари В. И. Кияшенко, Н. Маннопов, В. Н. Шичколар биринчилар қатори қўллаб қувватладилар.

Биз биламизки, мусобақа механизмида ҳали кўп нарса яхши ишламаяпти, меҳнат беллашувининг айрим формалари эскириб қолди ва ҳозирги талабга жавоб бермайди. Шунингдек, бир-биридан нусха кўчирадиган мажбуриятлар қабул қилиш, кабинетларда ўйлаб топилган ташаббуслар, нолойиқ бўлган натижалар тўғрисида дабдабали рапортлар ҳамон учраб турипти. Бу камчиликлар социалистик мусобақани шунчаки расмиятчиликка айлантиради, унинг қадрини туширади. Шунинг учун бугунги кенгашда меҳнат беллашувини янада яхши ташкил этиш, унинг ошкоралигини ошириш, ташаббусларни ёйиш тўғрисида очиқчасига фикрлар айтилса мақсадга мувофиқ бўлади.

ТАШАББУСГА ТАЯНИБ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Е. А. ГУБИНА:

— БУ кенгашга тайёрланаётиб, мен кўп нарсаларни қайта ўйладим. Энг асосийси — биз партиямиз томонидан қўйилган вазифаларни ўз ишимиз билан қандай бажараётганимиз тўғрисида ўйладим. Бизнинг ишимиз ва планларимиз КПСС XXVII съездида белгиланган ва партия томонидан ҳаётга қатъият билан татбиқ этилаётган қайта қуришларга қай даражада мос тушяпти?

Съезд қарорлари содда ва тўғри, улар совет халқи томонидан қизғин кутиб олинди. Бу ерда тушунмайдиган ҳеч нима йўқ — биз янада яхшироқ яшашни, янада кўпроқ фаровонликка эришишни истаймиз. Бунинг учун имкониятлар бор, лекин ўз-ўзидан ҳеч нима амалга ошмайди. Ҳамма нарса бизнинг ҳар биримизнинг ишимизга ва виждонимизга боғлиқ, умумхалқ ишига қўшадиган шахсий ҳиссамизга боғлиқ. Мана шундан мамлакат қудрати ва халқ фаровонлиги вужудга келади.

Мен ҳам кўпминг кишилик Тошкент тўқимачилик комбинати коллективининг аъзоси сифатида мана шу умумхалқ ишида иштирок этяпман. Илгари олган мажбуриятимга кўра беш йилликнинг биринчи йили планини енгил саноат ходимлари куни — 1986 йилнинг 8 июнида бажардим ва пландагига қўшимча 3,5 минг метр юқори сифатли газлама ишлаб чиқардим. Бундан ташқари мен ўн иккинчи беш йилликда ўн йиллик нормани бажаришга ва пландагига қўшимча 3 миллион 800 минг метр газлама ишлаб чиқаришга ахд қилганман. Биринчи сортли маҳсулот пландаги 94,5 ўрнига 97,5 процентга чиқади. 12 қизга касб ўргатаман.

Бирок, ҳозиргача тугатилмаган камчиликлар ҳам мавжуд, уларни бартараф қилиш меҳнат унумдорлигини кескин оширган бўларди. Бу— тўқувчиларни сифатли арқоқ билан таъминлаш, зарур деталь ва эҳтиёт қисмларни ўз вақтида етказиб бериш, ёш ишчиларнинг малакасини ошириш, тўқимачиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш масалаларидир.

Мен социалистик мусобақа шартларини ўзгартириб, бу шартлар 7—9 дан ошмаслигини ва улар охир-оқибатда пировард натижаларга эришишни, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатини оширишни кўзда тутиши керак, деб ҳисоблайман.

Е. А. Губинанинг бу таклифини Тошкент химия-фармацевтика заводи комсомолёшлар бригадасининг бошлиғи З. Ниғмонова, бадиий бўёмлар фабрикасининг тикувчиси Р. Шарафиддинова, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати 7-цехи бригадири С. Азизовалар ўз сўзларида қўллаб-қувватлашди.

ТАЪМИНОТ МАРОМИДА БЎЛСИН

11-«Висотстрой» трести 17-қурилиш бошқармаси комплекс бригадаси бошлиғи О. Р. КИРШИНМАН:

— МОДДИЙ-техника таъминоти яхши йўлга қўйилган жойдагина мусобақа самарали ва таъсирчан бўлади. Бизда эса бу нарса ҳамон муаммолигича қоляпти. Шундай мисол келтираман: ётоқхона қурилишида пойдевор тиклаётган пайтда объектга товар арматураси тўлиқ келтирилди. Биз бу ишни ўн беш ўрнига тўққиз иш кунида бажардик. Энди бетон қуйиш керак эди, лекин ана шу маҳсулотнинг узуқ-юлуқ келтирилиши натижасида арзимаган иш бир ярим ойга чўзилди. Шунингдек, хом ашё билан яхши таъминланган июнь ойида бригада тўрт қаватни монтаж қилди, ёмон таъминланган июль-август ойларида эса фақат уч қават монтаж қилинди.

Энди ўйлаб кўринг — мана шундай таъминот билан қанақа қилиб мусобақалашиш ва юқори кўрсаткичга эришиш мумкин? Ҳозир бизни мана шундай таъминотда мажбуриятларимиз қоғозда қолиб кетиши ташвишлантиряпти. Трест раҳбарлиги барча конструкцияларни етказиб бериш бўйича тартиб ўрнатмаса мажбурият қоғозда қолиши аниқ.

Бригаданинг ҳар бир аъзоси ишига ҳар куни баҳо берамиз. Эрталаб смена бошлангунга қадар мен кеча ва тунги сменада қилинган ишларни текшираман, бригада кенгаши билан бу ишларга якун чиқарамиз, камчиликларни кўрасатамиз. Кимки ўз ишида сифатсизликка йўл қўйган бўлса, бу нарса унинг маошига таъсир қилади, кенгаш қарори билан унинг меҳнат иштироки коэффициентини камайтирамиз. Меҳнат иштироки коэффициенти ишчининг меҳнатига бериладиган энг яхши баҳо эканини таъкидлагим келади. Масалан, августда биз бригаданинг тажрибали ишчиси У. Раҳимов монтажда бранка йўл қўйгани учун меҳнат иштироки коэффициентини пасайтирдик. Бу бракни тузатишга бригаданинг икки кун вақти кетди. Оқибатда Раҳимов 80 сўм маош йўқотди.

Биз ишимизни қайта қуришга ҳаракат қиляпмиз. Бирок бунда қурилиш конвойерининг барча звенолари актив иштирок этиши керак. Мен қандай ишлаш тўғрисида камроқ ўргатишлари ва кўпроқ таъминотни яхшилашга ёрдам беришларининг тарафдориман. Бу раҳбарларга ҳам, жамоат ташкилотларига ҳам тааллуқлидир.

О. Р. Киршинманнинг бу фикрини қурилиш ва биноқорлик материаллари саноати ишчилари касаба союзлари область комитетининг раиси Ш. У. ЁҚУБОВ қувватлаб, шундай деди.

— Ишчилар иш фронти, қурилиш материаллари ва конструкциялар, зарур машина ва механизмлар билан таъминланмаган жойда мусобақанинг таъсирчанлиги тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу сабабларга кўра фақат «Главташкентстрой» бўйича биринчи ярим йилликда ишчи вақтини йўқотиш деярли уч процентга етди?! Ҳолбуки, мусобақанинг асосий вазифаларидан бири — штурмчиликка барҳам бериш, кўзбўямачилик ва қўшиб ёзишларни йўқотишдан иборатдир.

Шунингдек капитал қурилишда, қурилиш ишлаб чиқаришини қайта қуришда эскичасига ишлашга кўникиб кетган, камчиликларни одатдаги бир нарса деб ўрганиб қолган қурувчиларнинг психологиясини ўзгартирмасдан туриб ҳеч нимага эришиб бўлмайди.

ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНИШИ КЕРАК

«УЗБЕКХИММАШ» заводи меҳнат, маош ва меҳнатни илмий ташкил этиш бўлими бошлиғи З. С. АРТЕМЬЕВА:

— БИЗНИНГ заводимизда кўп коллективлар жадаллаштириш йўлидан бормоқда. Масалан, 2-механика цехидан Р. Штроймайер бошлиқ бригада ишчиларнинг малакасини ошириш ва қўшимча касбларни эгаллаши ҳисобига янги ускуналарни ўзлаштириш муддатини кескин қисқартиришга қарор қилди. Мана шу коллектив мисолида ишчилар билан техника хизмати лабораторияси ва бош механик бўлими инженерларининг ҳамкорлиги самарали натижалар бераётганини яққол кўриш мумкин. Бригадада «Янги техникага — янги билимлар билан» шиори ҳаёт нормаси бўлиб қолди. Натижада улар кам ишчи кучи билан юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришмоқдалар.

Бу нарса шуни кўрсатадики, ҳозирги босқичда ҳар қандай ташаббус қизғин ва самарали инженерлик ёрдамини тақозо этади. Бунда гап фақат техникавий ҳисоб-китоблар ҳақида эмас, балки моддий-техника таъминоти, планларни мувофиқлаштириш масалалари устида ҳам бормоқда.

Ҳозир биз ленинградликларнинг тажрибаси бўйича икки ва уч сменада ишлашга ўтишни кенг жорий қилаяпмиз. Бу ишни ишловчилар сонини оширмасдан амалга ошириш кўзда тутиляпти. Ишчи жойларини камайтириш ва эски ҳамда ишдан чиққан ускуналардан воз кечиш бу мақсадга эришишга ёрдам беради.

Инженерлар ва ишчилар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, корхоналар ва ташкилотлар коллективлари социалистик мусобақасида бу формани кенг жорий этиш тўғрисида В. И. Ленин номли электрон техника заводи касаба союз комитети раисининг ўринбосари А. А. БАРМИН, «Сигнал» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош инженери С. И. ВОЛОШИН, Тошкентдаги 1-автокомбинат директори Ғ. М. ИСМОИЛОВЛАР ҳам ўз фикрларини билдиришди.

ДАВРА СУҲБАТИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИЛАР:

- **Мусобақа шартлари содда, мусобақалашувчиларга тушунарли бўлиши керак. Мусобақа шартлари 7—9 дан ошмасин. Улар мусобақалашувчиларни пировард натижада юқори кўрсаткичларга эришишга йўналтирсин.**
- **Кўпгина корхоналарда ускуналардан самарасиз фойдаланиладн. Бу эса катта резервдир. Уни тезроқ ишга тушириш — мусобақа барча иштирокчиларининг галдаги вазифаси бўлиб қолсин.**
- **Барча хўжалик раҳбарларининг қабул қилинган мажбуриятлар бажарилишига зарур шароит яратиб бериши учун жавобгарлиги оширилсин: мусобақалашувчилар ўз вақтида план, хом ашё, материаллар ва асбоблар билан таъминлансин.**
- **Коллективларда кўпинча мусобақа бўйича мукофотлар ҳар бир ишловчига беш-ўн сўмдан тўғри келади. Шахсий мукофотларни майдалашни тўхтатишни, мукофотни тақсимлашда ҳаммани баравараштиришни баратараф этишни таклиф қиламиз. Шахсий мукофотнинг энг кам даражаси ходимнинг ойлик иш ҳақи 10—15 процентини ташкил этсин.**
- **Мусобақа бўйича мукофотлар ходимларга тантанали равишда топширилсин, мукофотни касса орқали бериш тақиқлансин.**
- **Зиммадаги мажбуриятларини муваффақиятли бажараётган ташаббускорларга махсус соврин ва тақдирномалар таъсис этилсин.**



● ТОШКЕНТ яқинида Тянь-Шань тоғларининг этагида қуёш энергияси билан ишлайдиган янги иншоот бунёдга келаяпти. Яқин кунларда «ҚУЁШ» деб номланган бу илмий ишлаб чиқариш комплексининг биринчи навбати ишга туширилади. Унда ғоят юқори сифатли металл олинади. Суратларда: инженер О. Б. Красное ва техник С. А. Князевлар иш устида; иншоотнинг умумий кўринаси.

Б. Юсупов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЖАДАЛ ЎЗГАРИШЛАР ҚИЛАЙЛИК

МАМЛАКАТНИ социал ва иқтисодий ривожлантиришда машинасозлик саноати алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун ҳам партия XXVII съезди ўн иккинчи беш йилликда машинасозлик корхоналари техника даражасини, ишлаб чиқараётган маҳсулоти сифати, меҳнаткашларнинг ишлаш ва турмуш шароитларини тубдан яхшилаш режаларини белгилади.

Автомобиль, трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишчилари касаба союзи область комитетининг ҳисобот-сайлов конференциясида ҳам асосий эътибор шу вазифаларни бажаришга қаратилди.

Ҳисобот даврида иш сифати ва самарадорлигини ошириш резервларидан фойдаланишда маълум даражада ижобий натижаларга эришилди, — деди ҳисобот докладида область Автомобиль, трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишчилари касаба союзи область комитетининг раиси **Л. А. Завьялов.** — Барча корхоналаримиз ишчи ўрнини аттестация ва рационализация қилиш, ишни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлашда бригада формаларидан фойдаланишни ривожлантира бориб, ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли якунладилар.

Лекин илмий-техника тараққиётини тезлатишнинг бутун чоралари ҳамма ерда ҳам қайта қуриш талаблари даражасида бораётгани йўқ. Корхона ва ташкилотларимиз маъмурияти ва касаба союзлари фан ва техника тараққиётини таъминловчи ташкилий-тарбиявий тадбирларни ниҳоятда секинлик билан қайта қуришяпти. Улар ҳақиқий шароитни принципиал жиҳатдан чуқур анализ қилиб олмаганлар. Бу борада қилинаётган айрим арзимас ишлар ҳам катта ютуқ деб кўрсатилмоқда. Қолоқлик сабаблари эса асосан ташқаридан келиб очиб берилмоқда. Бундай ишлар корхоналарнинг ўз инженер ва техник ходимлари ёрдами билан ниҳоятда кам қилинмоқда.

Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, область касаба союз комитети корхоналар ва ташкилотларнинг маъмурияти ва касаба союз ташкилотларида юзага келган аҳволни тузатишни қатъий туриб талаб қилган ҳолда жамоатчилик ташкилотлари ишида ижобий силжиш бўлаяпти. Масол учун, 1985 йилда «Чирчиксельмаш» заводида бош конструктор Ўринбосари Е. Ҳван етакчиликидаги ВОИР совети деярли ишламаётган эди. Корхонада рационализаторлар сони 86 нафар бўлиб, йил давомида улар томонидан 126 та таклиф киритилган. Таклифларнинг 78 таси ишлаб чиқаришга жорий қилиниб, 260 минг сўмлик иқтисодий самара келтирган. 1986 йил мартида заводнинг ҳисобот-сайлов конференциясида ВОИР совети қайтадан сайланди. Мана, ярим йил ичида рационализаторлар сони 98 кишига етди. Улар томонидан 500 минг сўмлик иқтисодий самара келтирган 156 рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

АВТОМОБИЛЬ, ТРАКТОР ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНАСОЗЛИГИ ИШЧИЛАРИ ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗ КОМИТЕТИНИНГ IV ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

Ўн биринчи беш йилликда тармоқда маънавий эскирган , машина-механизмларнинг уч-тўрт процентигина янгиланди. Натижада фойдаланиш вақти аллақачон ўтиб кетган машина-механизмлар «Узбексельмаш» заводида 35,1 процентни, Тошкент трактор заводида 36 процентни, «Ташхимсельмаш»да 39,6 процентни, «Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида 46,3 процентни, «Чирчиксельмаш»да 50,7 процентни ташкил қилаяпти. Уларнинг нормал фаолиятини таъминлаш учун 2—2,5 марта кўпроқ маблағ сарфланмоқда. Жиҳозлардан сменали фойдаланиш коэффициенти «Главмашхлопководство» ишлаб чиқариш бирлашмасида 1,4—1,45 ни ташкил қилаяпти. «Ташхимсельмаш» ва агрегат заводларида жиҳозларнинг ўндан икки қисмидан кўпроғи фақат бир сменада фойдаланиляпти. «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг СХУ-4 сеялкалари, «Чирчиксельмаш»нинг КХУ-4—2 культиваторларидан кўплаб браклар чиқаяпти. 1985 йилнинг ўзида бутун бош бошқарма бўйича ишлаб чиқарилган брак маҳсулот туфайли 1 миллион сўмлик зарар кўрилди. Лекин бракчилардан маҳсулот таннархининг олти процентигина ушлаб қолинган. Шуни очиқ айтиш керакки, ишлаб чиқаришнинг бундай муҳим участкасида бугунги кунда касаба союзларининг роли деярли сезилмаяпти.

— Машинасозлар касаба союзларининг тарбиявий ишида, — деди нотиқ сўзини давом эттириб, — маданий-оқартув ва оммавий физкультура ишларини ташкил қилиш катта роль ўйнаяпти. Мисол учун «Трактор» маданий-спорт комплексида меҳнаткашларнинг оилавий дам олишлари учун катта ишлар қилинаяпти. Лекин тармоқ корхоналарининг барча клубларида ҳам ёшлар билан ишлашга етарли эътибор берилаяпти, деб бўлмайди.

Докладчи ва сўзга чиққан ўртоқлар меҳнаткашларнинг иш ва дам олиш шароитларини яхшилаш борасида эришилган ютуқ ва камчиликларга батафсил тўхталишди.

Корхоналар маъмуриятлари партия ва касаба союзи комитетлари фаолиятида меҳнаткашларнинг социал-маданий шароитлари билан боғлиқ масалалар ҳам асосий ўрин тутади,— деди «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори **П. А. Юсупов.**— сўнгги йилларда бизнинг заводимизда ҳам бу борада бир канча ишлар қилинди. 17 турдаги хизмат кўрсатувчи маиший хизмат уйи, 4 та ошхона ишга туширилди. Меҳнаткашлар замонавий жиҳозланган хоналарда дам олишлари мумкин, бирлашма территориясидан чиқмай барча озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш имкониятига эга бўлдилар. Бу шароитлар уларнинг маънавий психологик оламига таъсир этмай қолмади. 1984 йилда ишга келмаслик ва кечикишлар ҳисобига 2105 ишчи куни йўқотилган бўлса, бу кўрсаткич ҳозирга келиб уч баравар қисқарди. Кадрлар қўнимсизлиги эса йўқ даражага тушди. Завод кадрлар билан тўлиқ таъминланган.

Сўзга чиққан Тошкент Агрегат заводи оператори **Э. В. Жукова** асосан корхоналардаги меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги масалаларида қилинаётган ишлар ва камчиликлар ҳақида гапирди.

— 1986 йилда,— деди у, — бу масалаларга ўтган йилдагига қараганда икки баравар кўп маблағ ажратилди. Шу маблағ ҳисобига меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича 16 тадбир амалга оширилиши керак. Унинг асосий қисми бажарилиб бўлинди. Лекин ҳал қилинмаган муаммолар ҳам йўқ эмас. Заводнинг оғир участкаларида вентиляция билан боғлиқ бўлган муаммолар кўп. Махсус кийим-бош масаласи ҳам ҳал қилинмаган.

— Яқинда заводимизнинг касаба союз ташкилоти меҳнат ва турмуш шароити ҳамда оналик ва болаликни ҳимоя қилувчи комиссия тузди,— деди ўз сўзида «Ташсельмаш» заводининг парматловчиси **З. П. Зотова.**—Аъзоларимизнинг эса бу соҳада ҳали тажрибалари йўқ. Турдош корхоналарнинг хотин-қизлар Советлари ўртасида тез-тез тажриба алмашиш мумкин бўлган семинарлар ўтказиб турилса яхши бўларди.

Конференцияда касаба союзлари область Советининг секретари **О. З. Зуфаров** нутқ сўзлади.

Конференцияда автомобиль трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги касаба союзи область комитетининг янги состави сайланди. Л. А. Завьялов Автомобиль, трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишчилари касаба союзи область комитетининг раиси қилиб сайланди.

Конференция ишида Автомобиль, трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишчилари касаба союзи Марказий Комитети ташкилий инструкторлик бўлими мудирининг ўринбосари **В. Ф. Тихов** қатнашди.

М. ҚОСИМОВА.

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

АҚЛ-ИДРОККА ДАЪВАТ

Совет Иттифоқи Рейкьявикдаги Совет-Америка учрашувидан сўнг сифат жиҳатидан янги вазият вужудга келди, ядровий қуролсизланиш учун кураш янги, янада юксак маррага чиқдики, ядро қуролини тубдан камайтириш ва батамом йўқотиш мақсадидаги куч-ғайратларни мана шу маррадан туриб орттириб бориш зарур. СССР янги мулоқотлар ва музокаралар йўналишини ёқлаб чиқмоқда ва башарти АҚШ ниҳоят реалистик позицияга ўтса яхшилик сари реал силжиб бориш учун ташланадиган қадам тайёрланишига ишонади. Рейкьявикдаги Совет-Америка учрашуви якунларига доир КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев нутқи ва ўтказган матбуот конференцияси хусусида халқаро кўламда билдирилган фикрларда ана шу фикр таъкидланмоқда. Жаҳон матбуоти КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг 14 октябрда бўлиб ўтган мажлисини кенг ёритмоқда. Бу мажлисда юксак даражада ўтказилган Совет-Америка учрашуви қуролланиш пойгасига қарши ядро қуролини тақиқлаш ва тугатиш учун, ҳарбий хавф-хатардан бутун ер куррасини ҳоли қилиш учун курашда халқаро ҳаётнинг муҳим воқеаси бўлганлиги айтилади.

ВАРШАВА. М. С. Горбачевнинг телевидение орқали сўзлаган нутқида Америкаларнинг тутган позициясига принципиал баҳо берилди, деб ёзади «Трибуна Люду». Халқаро муносабатларда АҚШнинг айби билан тарихий бурилиш юз бермаганлигини ҳозир бутун дунё кўриб турибди. Совет таклифлари ҳамон музокаралар столида ётибди. Эшиклар қаттиқ ёпилгани йўқ. Ракета ядро қуроли даврида тинчликка олиб боришнинг мулоқот, тинч-тотув яшаш амалий имкониятларини сабот билан излашдан бошқача йўл йўқ. Социализмнинг сиёсати фақат тинчлик ва қуролсизланиш сиёсати бўлиши мумкин.

БЕРЛИН. М. С. Горбачевнинг нутқи шуни яққол кўрсатдики, Совет Иттифоқи бундан буён ҳам инсониятни тўлқинлантирувчи муҳим проблемаларни ҳал этиш учун қатъий қурашаверади, деб таъкидлайди «Нойес Дойчланд». СССР Рейкьявикда қуролсизланиш борасида ҳақиқатан ҳам давр аҳамиятига эга бўлган жуда катта таклифларни олга сурди ва бундан буёнги музокаралар учун эшикни ёпиб қўймади. Кескинлик сари ёриб ўтиш мумкин.

БУДАПЕШТ. Совет Иттифоқи Рейкьявикдаги учрашувда қуролсизланиш проблемаларини ҳал этиш изчил йўлини ўтказиб, халқаро вазиятни соғломлаштириш, ишончни мустаҳкамлашга ниҳоятда муҳим ҳисса қўшди, АҚШ билан муносабатларни яхшилашга самимий интилаётганлигини бутун дунёга намойиш этди, деди ВХР давлат мажлиси раисининг ўринбосари Я. Петер.

НЬЮ-ЙОРК. Москвада айтилганидек, Президент Рейганда Рейкьявикдаги учрашувда олга тарихий қадам ташлаш учун мардлик ва сиёсий ирода етишмади деб хабар қилади «Нью-Йорк Таймс» газетаси, Совет раҳбарининг телевидение орқали сўзлаган нутқини батафсил баён қилиб ва шарҳлаб. Совет раҳбари учрашувни катта воқеа деб таърифлади ва қуролланишлар устидан назоратни излашлар олдида эшикни ёпиб қўймаганлигини айтди. М. С. Горбачев Совет Иттифоқининг ядро аслаҳаҳоналарини камайтириш тўғрисидаги таклифи Рейганнинг СМТга содиқлиги сабабли қабул қилинмаганлигини таъкидлади. М. С. Горбачев Рейган ҳарбий саноат комплексига қарам эканлигини таниқ қилган бўлса-да, учрашув қуруқ ўтмаганлигини айтди ва АҚШда кайфият ўзгаришига умид билдирди.

Иккала партиядан конгресс раҳбарлари, деб уқтиради «Нью-Йорк Таймс» газетаси» Рейкьявикдаги музокараларнинг якуни Совет Иттифоқи билан қуролланиш устидан назорат хусусидаги музокараларда силжиш фойдасига Капитолий тепалигидан тазйиқ қучайишига олиб келишига қўшилдилар. «Стратегик Мудофаа Ташаббуси» конгресс диққат марказига тушса эҳтимол. Рейган шу системани ишлаб чиқишни чеклашдан бош тортганлиги Рейкьявикдаги музокаралар барбод бўлишига асосий сабаб бўлди. Шу муносабат билан кўпгина қонун чиқарувчилар СМТнинг қиймати ва амалга оширилиши мумкинлиги масалаларини кўтариб чиқмоқдалар. Кўпчиликнинг фикрига кўра, СМТнинг баҳоси келгуси 15 йил ичида триллион долларлардан кўпроққа тушиши мумкин.

ПАРИЖ. Франс Пресс агентлигининг хабар беришича, Парижда меҳмон бўлиб турган Германия социал-демократик партияси раисининг ўринбосари И. Рау билан Рейкьявикдаги учрашув натижаларини муҳокама қилган Франция президенти Ф. Миттеран Америка вакиллари М. С. Горбачев СМТ масаласи хусусида қаттиқ туришига етарлича жиддий эътибор бермадилар, деди.

БОННН. ГСДП раиси В. Брандт Эссен шаҳрида сўзлаб, Совет-Америка учрашувида АҚШ тутган позицияни қаттиқ танқид қилди. Рейкьявикда Европадаги барча ўртача олисликдаги ракеталарни тугатиш, стратегик қуролларни 50 процент камайтириш тўғрисида битимга келса бўларди. Шуларнинг ҳаммаси СМТ сабабидан амалга оширилмай қолди, деди у.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев, деб таъкидланади Германия компартияси правлениеси президиумининг баёнотида, янги, узоқни кўзловчи, ҳамжиҳатлик ва аҳдлашувлар йўлини очиб берувчи таклифларни ўртага қўйди. Аммо АҚШ космосни ҳарбийлаштириш режаларига қаттиқ ёпишиб олди. Халқлар АҚШ маъмуриятини амалий бўлмаган позициядан, космик қуролланиш телба режаларидан воз кечишга мажбур этиш учун тазйиқни қучайтиришлари керак. СССР билан АҚШ ўртасида ядровий қуролсизланиш йўлларини излаш тўғрисидаги мулоқот давом эттирилмоғи лозим.

(ТАСС, 15 октябрь).

ЭРОН-ИРОҚ ФРОНТИДА

БАҒДОД, 15 октябрь. (ТАСС). Бош ҳарбий қўмондонлик ахборотида эронликларнинг катта кучлари кеча кечаси Қасри Ширин районида ҳужум бошлашга ўринганлиги маълум қилинади. Душман сон жиҳатидан устун бўлишига қарамай, Ироқнинг олдинги позицияларига яқинлашиб келолмаган. У фақат биргина тепаликни ишғол этишга муваффақ бўлган, аммо ўша куниёқ шу тепаликдан сўриб туширилган. Ахборотда Эрон қўшинлари катта талофот берганлиги айтилади. Жанглар бўлган жойда юзлаб ўлдирилган солдатлар қолиб кетган, ҳужум қилганларнинг оз қисми қочиб қутилган.

Басрадан шарқдаги участкада артиллерия душман йиғилган районларга ўқ узиб турди. Бу ерда ҳам эронликлар аскар ва техникасига талофот етказилди.

Ироқ авиацияси Дизфул яқинидаги қанд заводига яна зарба берди.

Эронликларнинг узоққа отадиган артиллерияси Басра, Ал-Азаир ва Хурмалнинг уй-жой кварталларини икки кундан бери тўпга тутмоқда. Граждан аҳоли ўртасида ўлдирилган ва ярадорлар бор.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ МЕБЕЛЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

КЎРКАМ, БЕЖИРИМ, ПУХТА

Куни кеча «Ўзбекбирлашув» маъмурий биносида Чехословакия мебеллари кўргазмаси очилди. Унда қардош социалистик мамлакат савдо фирмалари кейинги йилларда яратилган ва кўпчилик томонидан севиб харид қилинаётган, шунингдек, яқин келажакда кўплаб ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган мебелларни намойиш этмоқдалар. Кўргазмага қўйилган ошхона, меҳмонхона, ётоқхона, болалар мебеллари айниқса бежиримлиги, пишиқлиги, ўзига хос кўринишда тайёрланганлиги билан киши эътиборини тортади.

Чехословакия ҳамда Совет Иттифоқи ўртасида мебеллар билан савдо қилиш йўлга қўйилганлигига қарийб 40 йил бўлди. Эндиликда эса мамлакатимизга етказиб берилаётган қардош мамлакат маҳсулотлари 50 баравар ортди.

— Тошкентдаги учрашувларимиз Совет Иттифоқидаги 8-кўргазмадир,— дейди кўргазма директори Карл Гелл.— Маҳсулотларимизга бўлган талаб, қизиқиш ортмоқда. Ҳозирги пайтда Москвада мебелларимиз билан савдо қилувчи фирма магазини ишлаб турибди. Яқин кунларда Киевда ҳам шундай магазин ишга туширилиши кўзда тутилган. Ҳозирги пайтда жаҳоннинг 60 мамлакатига экспорт қилинаётган чех мебелларининг 65 процента Совет Иттифоқига юборилиб, Бу эса бизни қувонтирмай қолмайди.

Р. УСМОНОВА.

ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

● БУГУН пахтазор чинакам жасорат майдони бўлиб қолди. Бепоён далаларда пахтакорлар билан бир қаторда ишчилар, хизматчилар, студентлар — ҳамма-ҳамма етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш иштиёқида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ҳар йилги анъанага кўра санъаткорлар ҳам улар билан ёнма-ён. Тушки дам олиш пайтларида, кечки оқшомларда дала меҳнаткашлари улар ижросида концертлар, пьесалардан парчалар, адабий композициялар кўриб ҳордиқ чиқаришмоқда. Шийпонларда, клубларда етакчи актёрлар, хонанда ва раққосалар билан учрашувлар ўтказилмоқда. Суратларда: Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театридан СССР халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов (пастда) ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик опера ва балет катта театри санъаткорларидан бир группаси Ғалаба районидаги Киров номли совхоз меҳнаткашлари ҳузурида.

А. Ильёсов фотоси.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

МУЛЬТИПЛИКАЦИЯ ОЛАМИДА

«СЕНИМИ, ШОШМАЙ ТУР!»НИНГ ЯНГИ СЕРИЯЛАРИ

Яқинда москвалик мультипликация ихлосмандлари барчага таниш бўлган «Сеними, шошмай тур!» кўпсерияли мультфильмининг режиссёри Вячеслав Котеночкинга асарнинг навбатдаги сериялари яратиладими ёки йўқми, деган савол билан мурожаат қилдилар.

— Мана, 18 йилдирки кинотеатр ва телевизор экранларида бизга таниш қаҳрамонлар Бўри ва Қуён бирбирини қувлаб юрибди,— дейди В. Котеночкин.— Бу фильмнинг дастлабки серияларини томоша қилган ўғилқизлар ҳозирга келиб ўзлари она, ота бўлдилар десам янглишмайман. Лекин, унга бўлган қизиқиш тобора кучайиб бормоқда.

Ҳар гал унинг сўнгги сериясини яратаяпман, деган хаёлга бораман. Лекин ҳар гал томошабинлар унинг давомини яратишни қатъий талаб қилишади. Ҳозир бу ўзига хос асарнинг 16-серияси яратиляпти. Ўқувчиларнинг қишки таътиллари бошлангунга қадар у тайёр бўлади.

Лекин мультипликация мухлислари бу унинг сўнгги қисми деб ўйламасликлари учун яна бир янгиликни айтиб қўймоқчиман: фильмнинг 17-серияси учун мавзу ҳам тайёр.

• САНЪАТКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

ДАВРАЛАРНИНГ «КАТТА»СИ

Қадим замонлардан бери халқимиз ўзининг сўзамол, ҳозиржавоб қизиқчилари билан машҳур. Сўз санъатини мукаммал эгаллаган таниқли кулгу усталари доимо эл ардоғида, уларнинг номи ҳаминша меҳр билан тилга олинади. Агар мазкур қизиқчилар санъатнинг бошқа турларидан ҳам бохабар бўлиб ўз ижодий фаолиятларида улардан бир хилда маҳорат билан фойдалана олсалар, инчинун. Шу кунларда 60 баҳорни қаршилаб, ҳамон эл хизматига бел боғлаб келаётган Абулқосим Тўйчиев ҳам ана шундай санъаткорлардан. Ҳам қўшиқчи, ҳам аскиячи, ҳам доирачи бўлмиш бу одамнинг ҳар бир ҳаракати, оғзидан чиққан ҳар бир сўзи, қаҳқаҳаси зое кетмайди. Унинг чиқишлари бир эшитганни қайта эшитиш, бир кўрганни қайта кўриш истагини уйғотади. Бу эса санъаткор учун чинакам бахтдир.

А. Тўйчиев Тошкент шаҳридаги Гулбозор маҳалласида машҳур ҳофиз Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов оиласида туғилиб, вояга етди. Музика техникумининг ўзбек халқ чолғулари бўлимида ўқиди. Бу ерда ёш Абулқосим Ўзбекистон ССР халқ артисти Уста Олим Комилов қўлида таҳсил олди. Устоз унга доира чалишни, қўшиқ қа жўр бўлишни ўргатди.

Зеҳни ўткир, ёш санъаткор тез орада Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта опера ва балет театрига таклиф қилиниб, бу ердаги фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ томошабинлар олқишига сазовор бўла бошлади. У ўз устозлари бўлмиш СССР халқ артистлари Лутфихоним Саримсоқова, Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Галия Измайлова, Ўзбекистон ССР халқ артисти Бобораҳим Мирзаевлардан ижро маҳорати, саҳна ҳаракатларини қунт билан ўрганди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Бобораҳим Мирзаев, Турсуной Маҳмудова каби таниқли санъаткорлар билан бир агитбригадада бўлиб, госпиталларда даволанаётган ярадор жангчилар учун концертлар намойиш қилди. Бир неча фронтларда хизматда бўлган А. Тўйчиев ғалабадан сўнг Муқимий номли ўзбек Давлат музикали драма театрида ишлай бошлади. СССР халқ артисти Раззоқ Ҳамроев, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Маҳмуджон Ғофуров, Соиб Хўжаев, Рауф Болтаевлар билан бирга саҳнага чиқиб, «Нурхон» (Тўрахўжа Саркор), «Тоҳир ва Зуҳра» (Қоработир, Хон Бобохон), «Алпомиш» (Кўқолдов), «Сорочинская ярмарка» (Бозорқом), «Фарҳод ва Ширин» (Хисрав) каби бир қанча спектакларда турли роллар ижро этди.

Кейинчалик Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетида созанда ва хонанда бўлиб хизмат қилган А. Тўйчиев «Ушшоқ», «Баёт 1, 2», «Уфори», «Тонг отгунча» каби қатор классик қўшиқларни маҳорат билан ижро этиб, Ўзбекистон ССР халқ қофиздари Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, бастакор Ғанижон Тошматов, Ўзбекистон ССР халқ артисти Ғавҳархоним Раҳимова, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Муҳаббат Мусаева, Башорат Хўжаева каби истеъдодли санъаткорлар қаторидан ўрин олди.

Ҳозирги кунда М. Қориёқубов номли Ўзбекистон ССР Давлат концерт-филармония бирлашмасида бадиий сўз устаси сифатида фаолият кўрсатаётган санъаткор республикамизнинг барча область, шаҳар ва районларида гастроль сафарларида бўлиб, томошабинларни ўз санъати билан хушнуд этмоқда.

А. Тўйчиев номини элга танитган, унга катта обрў-эътибор келтирган асосий хусусиятларидан бири авваламбор, унинг аскиячилик маҳорати, кўплаб пайровларни билиши, қизиқ-қизиқ ҳангомаларни катта маҳорат билан ижро эта олишидир, десак муболаға бўлмас. Тўй қилаётган ҳар бир хонадон, ўз хурсандчилигига кўпчиликни шерик қилаётган ҳар бир оила мазкур шодиёналарни қизитиб беришни илтимос қилиб, унинг олдига келиши ҳам бежиз эмас. Халқнинг хурсандчилигига шерик бўлиб, доимо кишиларни кулдириб, вақтини чоғ қилиб келаётган бу санъаткорни кўпчилик ҳурмат билан «Катта», «Катта ака» деб эъзозлайди. Биз ҳам кўпчиликка қўшилиб, «Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ижодингизга барака тилаймиз. Янги-янги ижодий зафарлар ёр бўлсин сизга «Катта!», деймиз.

Қуйида Абулқосим ТЎЙЧИЕВ ижодидан намуналар ўқийсиз.

• СЎЗ—АБУЛҚОСИМ ТЎЙЧИЕВГА:

САБАБ

— Бизнинг туғилган кунга албатта борасан-а, дўстим?

— Албатта.

— Лекин қўнғироқни босмайсан, эшикни оёқ билан тепиб очасан.

— Нега?

— Икки қўлинг совға билан банд бўлади-да...

ТЎТИ

Бир одам тўти сотиб олиш учун бозорга тушса, тўтининг нархи 100 сўм.

— Нега қиммат?— деса сотувчиси:

— Одамга ўхшаб сўзласа, гапингизни уқиб, саволга жавоб берса, тағин ҳам анча арзон сотаяпман,—дебди.

Қафасдаги тўти ҳам лапанглаб, «Тўғр-ри» деб эгасини гапини маъқуллабди.

Харидор тўтини сотиб олиб келиб, анча пайт боқиб, унга янги сўзлар ўргатишга уринибди. Аммо, тўти ҳеч нарса ўрганмабди. Уни сотиб олган одам бирор иш чиқара олмаганидан хуноб бўлиб:

— Сени сотиб олганда аҳмоқ эканман,— деса, тўти яна лапанглаб:

— Тўғри,— дермиш.

БЕКАТДА

Трамвай бекатида турган шилқимроқ йигит бир қизга тегажоқлик қилмоқчи бўлди.

— Яхши қиз шу ердан 8-номерли трамвай ўтадими?

— Ўтади,— жавоб берди қиз.

— 11-номерли трамвайчи?

Қизнинг энсаси қотиб деди:

— Ҳамма номерли трамвайлар ўтади, фақат сизнинг номерингиз ўтмайди...

МАСТЛИК

Ичкиликка ружу қўйган кимсанинг уйида ҳамма ёқни титиб кўрган сичқон егулик бирор нарса топа олмай турганда, бир синиқ пиёладаги шаробга кўзи тушибди. Чанқаб турган экан «чип-чип» этиб ундан ичибди. Сўнг келган томонига қайтибди. Аммо тешикнинг олдига борганида, оёқ-қўли панд бериб, ёнбошлаб қолибди. Бу ҳолни кузатиб турган уй эгаси унга яқинлашган экан, сичқон кайф устида дебди:

— Ҳў, бесўнақай, бизни ейдиган ўша ола мушук сен эмасмисан?!

КЎНГИЛБЎШЛИК

Бир аёлнинг эри ичиб келавериб жонига тегибди. Эшикни очса, яна мастмиш.

— Вой, дод, яна ичдингизми,— деб фиғони ошибди хотининг.— Яна ичасизми? Тағин ичасизми?— деб елкасига беш-олти урса, эри:

—Қистама, хотин, кўнглим бўш, қистайверсанг ичворвураман-да,— дермиш.

ҲАЙКАЛ

Бир йигит водопроводда ҳадеб қўлини ишқалаб, қўлига юққан мой бўёқни кетказолмай сўкиниб турганмиш. Бошқа йигит сўрабди:

— Ҳа, оғайни намунча диққатсан?

— Э, маҳалламиздаги Қобил пиённи машина тортворган экан, ўлиб қолди. Обориб кўмдик.

— Ҳа, яхши қутилибсанлар.

— Э, жуда қийин бўлди, қутилишимиз.

— Нимаси қийин, кўмдинглар, бўлди-да!

— Йўқ.

— Ҳа, тирилиб қолдими?

— Йўқ. Ҳам кўмдик, ҳам ўзидан ҳайкал чиқардик.

— Қанақа қилиб ҳайкал чиқардиларинг?

— Қорнидан пастини кўмдик-да, буёғини бўяб келяпмиз. Роса миллион йил туради, нарёғи спирт, бу ёғи бўёқ.

Суҳбати У. АБДУШОҲИДОВ ёзиб олди.

СПОРТ

ФУТБОЛ

● СССР олимпия терма командаси биринчи расмий ўйинини Ослода Норвегия футболчилари билан ўтказди. Учрашув 0:0 ҳисобида дуранг бўлиб тугади.

● ЎН ОЛТИ ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Европа биринчилиги саралаш учрашувида иштирок этаётган СССР терма командаси польшалик тенгдошларини қабул қилиб, 3:0 ҳисобида ғалабага эришди. Терма команда составида тошкентлик ўқувчи М. Қосимов ҳам қатнашди.

● БИРИНЧИ лига вакиллари ўртасида 39-тур ўйинлари бўлиб ўтди. «Пахтакор» турнир пешқадамларидан бири — «Гурия» коллективини қабул қилди. 3:2 ҳисобида ғолиб келган Ланчхути футболчилари 51 очко тўплаб, келаси йил олий лигада қатнашиш ҳуқуқини берувчи иккита йўлланманинг биттасига жиддий даъвогар бўлиб туришибди.

ЭШКАК ЭШИШ

● ХЎЖАКЕНТДА республика шахсий чемпионати мусобақаларида турли кўнгилли спорт жамиятларининг юзга яқин вакили стартга чиқди. Тошкент области спортчилари жуда яхши қатнашдилар. Жумладан Э. Атаманов 500 ва 1000 метрга бир кишилик ва жуфт бўлиб мусобақалашишда бир йўла 4 та олтин медал эгаси бўлди. А. Шилкин билан Ф. Файзиевлар эса учтадан медални қўлга киритдилар.

ШАХМАТ

● ЭНГ КУЧЛИ мастерликка номзодлар ўртасида ўтказилган мусобақалар якунланди. Тошкентлик В. Косокин олти очко билан биринчи бўлди. Э. Гриншфун ҳамда И. Борсуковлар 5 тадан очко билан иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Ана шу уч ғолиб кеча спорт мастерлари ўртасида бошланган финал мусобақаларда қатнашмоқдалар.

ОБУНА БЎЛИНГ

Ҳурматли газетхонлар!

Иттифоқимизнинг ҳамма жойларидаги каби республикамизда, жумладан, областимизда ҳам 1987 йил учун газета ва журналларга обуна давом этмоқда.

«Тошкент ҳақиқати» газетасига ҳам обуна бўлишни унутманг.

Бунинг учун «Союзпечать» агентликларига ёки иш жойингиздаги ўқув юрти ва турар-жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатувчиларга мурожаат қилишингиз мумкин. Улар сизни келаси йил матбуотни учун обуна қилиб қўйишади. 1 ноябрдан обуна бўлганларга эса газета 1987 йил февралидан бошлаб етказиб берилади.

Газетанинг ОБУНА БАҲОСИ: 1 йилга — 6 сўм 60 тийин.

Редактор Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР ОМОНАТ КАССАЛАРИГА

Урганч шаҳрида 1986 йил 9 октябрда бўлиб ўтган ютуқли омонатлар бўйича ўтказилган

88-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Ўзбекистон ССРнинг барча омонат кассаларидаги ютуқли омонатлар бўйича қуйидаги счёт номерларига ютуқлар чиқди.

Счёт номерлари	ютуқ миқдори (омонатнинг ўртача суммасига процент ҳисобида)
А-019	25
А-053	100
А-093	100
А-128	25
А-169	25
А-232	25
А-265	25
А-301	25
А-356	50
А-396	25
А-415	200
А-454	25
А-494	25
А-537	25
А-595	25
А-632	50
А-645	25
А-706	25
А-730	25
А-799	25
А-808	25
А-862	25
А-917	25
А-928	25
А-971	25

Счёт сонлари мингдан ортиқ бўлган омонат кассаларида кейинги барча минг рақамли сонлардаги ўша счёт номерлари ҳам ютди, масалан №№ А-1019, А-2019, А-3019 ва ҳоказолар, шунингдек А-1053, А-2053, А-3053 ва ҳоказолар.

Тираж комиссиясининг раиси — М. Ф. ИСЕЕВА.

Масъул секретарь — М. Х. ЙЎЛДОШЕВА.

Урганч шаҳрида 1986 йил 9 октябрда бўлиб ўтган пул-буюм ютуқли омонатлар бўйича ўтказилган

6-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Ўзбекистон ССРнинг барча омонат кассаларидаги пул-буюм ютуқли омонатлар бўйича қуйидаги счёт номерларига ютуқлар чиқди.

Счёт номерлари	ютуқ миқдори (омонатнинг ўртача суммасига процент ҳисобида)
В-038	25
В-040	25
В-119	25
В-137	25
В-191	25
В-225	200
В-252	25
В-294	25
В-326	25
В-371	50
В-432	25
В-478	25
В-506	100
В-530	25
В-576	25
В-613	100
В-674	25
В-691	25
В-751	25
В-794	25
В-822	25
В-866	50
В-896	25
В-922	25
В-973	25

Счёт сонлари 1000 дан ортиқ бўлган омонат кассаларида кейинги барча минг рақамли сонлардаги ўша счёт номерлари ҳам ютди, масалан №№ В-1038, В-2038, В-3038 ва ҳоказолар, шунингдек, В-1137, В-2137, В-3137 ва ҳоказолар.

Тираж комиссиясининг раиси М. Ф. ИСЕЕВА.

Масъул секретарь — М. Х. ЙЎЛДОШЕВА.

ТОШКЕНТ «ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ

АБОНЕНТЛАРГА 15 НОЯБРГА ҚАДАР ЎЗ ВОДОПРОВОД-КАНАЛИЗАЦИЯ ХЎЖАЛИКЛАРИНИ 1986—1987 йиллар қиш мавсумида фойдаланишга тайёрлаб қўйишни ТАКЛИФ ЭТАДИ

БУНИНГ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ЛОЗИМ:

— водопровод ва канализацияни профилактик ремонтдан чиқариш;

— вақтинча мавсумий сув тақсимлагичларни ёпиб қўйиш;

— очиқ сув қувурлари, сув сарфини ҳисобга олувчи узеллар ва сув тақсимлагичларни иситиб қўйиш.

ҚИШ ШАРОИТИДА ФОЙДАЛАНИШГА ТАЙЁРЛАНМАГАН ВОДОПРОВОД-КАНАЛИЗАЦИЯ ХЎЖАЛИКЛАРИ ҚУШИМЧА ОГОҲЛАНТИРИШСИЗ ШАҲАР СУВ ТАРМОҒИДАН УЗИБ ҚЎЙИЛАДИ.



Бир йўла сув ҳақини ўз вақтида тўлаш лозимлигини эслатамиз.

ҲОВЛИ ВОДОПРОВОДЛАРИНИ ҚИШГА ФОЙДАЛАНИШГА ТАЙЁРЛАШ:

Ҳовли водопровод тик қувурларини қиш мавсумига иситаётганда қувурнинг ташқи сатҳи—тик қувур ва иситувчи материал оралиғида 40—60 миллиметр бўшлиқ қолиши лозим.

Майдаланган сомон, қуруқ қипиқ, қуриган ўт ва бошқа совуқлик ўтказмайдиган материаллар ўраш материали бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Иситгич материалининг қалинлиги камида 30—35 сантиметр бўлиши керак.

Сув тик қувурини ўраш учун металл тўрлар, қоп, қалин қоғоз ва бошқалар қўлланилади.

Водопровод тик қувури ўралганидан сўнг у ёғоч билан ўраб чиқилади ва бўш қолган оралиққа қипиқ тўлдирилади.

Қўпинча вентилнинг сальниги ишдан чиқиб сув иссиқликни сақловчи материалга оқиб кетади. Шунинг учун вентилнинг таги тунука ёки шифер бўлагини ёғоч қоплямадан ташқарига чиқариб, бир мунча нишаброқ ўрнатиш лозим. Ғилофнинг усти очиб ёпиладиган қопқоқ билан ёпилиб, вентиль маховиги учун туйнук қолдирилади.

ДАСТЛАБКИ КОНЦЕРТ

Ҳар шанба ва якшанба кунлари Свердлов номли колхозда ўтказилаётган маданий-оммавий тадбирлар колхоз аъзоларини мамнун қилмоқда. Бу ишга актив қўшилган колхоз маданият уйи пахта йиғим-терими даврида 18 та концерт қўйиб бериш режасини тузди. Маданият уйи қошидаги «Қалдирғоч» ансамбли биринчи бўлиб «Қизилту» қишлоғи территориясидаги 10-бригада дала шийпонида ўзининг дастлабки концертини намойиш этди.

Р. ЙЎЛЧИЕВА,
Коммунистик райони.

ИШЧИ-ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИГА ҚАБУЛ

УНИВЕРСИТЕТГА МАРҲАМАТ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» редакцияси ҳузуридаги икки йиллик ишчи-қишлоқ мухбирлари университетига навбатдаги янги группага тингловчилар қабул қилинмоқда.

Университетга колхоз ва совхоз меҳнаткашларининг вакиллари, ишчилар ва қурувчилар, муассаса ва ташкилотларнинг ходимлари, студентлар — мухбирликка иштиёқи бўлган барча кишилар киришлари мумкин.

Машғулотлар икки ҳафтада бир марта, жума кунлари кеч соат 18.00 да бошланади.

Университетга кириш учун иш ёки ўқиш жойидан характеристика-тавсиянома, таржимаи ҳол ва 3х4 ҳажмдаги иккита фотосуратни тақдим этиш лозим. Ҳужжатлар редакция биносида қабул қилинади.

Адресимиз: Ленинград кўчаси, 32, 7-қават, 747-хона Шаҳар телефони 32-55-56, ички телефон 55-56.

ТВ

БУГУН

● МТ I

9.00 «ВРЕМЯ». 9.45 Гуҗуль ашула ва рақс ансамблининг концерти. 10.30 «Диканька қишлоғи оқшомлари». Бадиий фильм. 11.35 «Вақти келди». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.30 «Дунё ва ёшлар». 13.05 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Қишлоқ истиқболлари». Ҳужжатли фильмлар. 16.25 «Рус тили». 17.00 Рус музейи. XVIII аср санъати. «Н. Никитиндан Ф. Рокотовгача». 17.30 Н. Носов қаҳрамонлари экранда. «Қувноқ воқеалар». Телевизион бадиий фильм (Литва киностудияси). 18.45 «Атомдан тинчлик мақсадларида фойдаланиш — бош вазифамиз». Давра суҳбати. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Жойида ҳал этилмоқда. «Асосий резерв». 2-кўрсатув. Саратов область партия ва совет ташкилотларининг КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш соҳасидаги иш тажрибаси ҳақида. Кўрсатувда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Саратов область партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хомяков иштирок этади. 20.15 «ВЕТЛУГА ДАРЕСИ ОРТИДА». Телевизион бадиий фильм премьераси («Ленфильм»). 21.30 «ВРЕМЯ». 22.05 «БОЛАЛИГИМИЗ КИНОСИ». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Экран»). 22.55 «Дунё воқеалари». 23.10 Сизни Пако де Лусиа тақлиф этади. «Фламенко кеча ва бугун».

● ЎзТВ I

7.25 Ритмик гимнастика. 7.50 «Салом, кичкинтойлар!» 8.00 «Ўринбосарлар улғаймоқда». «Меҳнат тарбияси». 8.20 «Тонгги тароналар». 8.30 «АХБОРОТ». 8.50 «Олотов жилолари». «Севган ҳақида қисса». Телефильмлар.

* * *

16.30 Кўрсатувлар программаси. 16.35 «Порла қуёш, порла». Болалар учун концерт. 17.05 «Давр оҳангида». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 17.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 10-синф. Алгоритмик тил элементлари ва программалаштириш. 18.00 Янгиликлар. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». Совет ва Афғон ёшларининг II дўстлик фестивалига бағишланади. 18.50 «Агросаноат ва Озиқ-овқат программаси». Қишда сабзавот ва меваларни сақлаш ҳамда савдо қилиш ҳақида. 19.30 «АХБОРОТ». 19.50 «Сичқонча ва қизил офтобжон». Мультфильм. 20.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Спартак» (Оржоникидзе). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 2-тайм. 20.50 «АХБОРОТ». 21.15 «Энг Жанубий». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 21.30 Москва. «ВРЕМЯ». 22.05 «Дин ва сиёсат». Ҳозирги даврда ислом дини. 22.50 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги. 23.05 «Қўриққа эътибор». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/Х да **Рўё**, 18/Х да **Келинлар қўзғолони**.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Тошкентда биринчи марта «ЙИРТҚИЧ ҲАЙВОНЛАР» аттракционининг гастроллари** (19.30).

Р. 09925. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. Б. 1737. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12